

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРАСИ**

ЎДҚ
Қўлёзма ҳукукида

АБДУРАХМАНОВ АКМАЛ ПАРДАБОЕВИЧ

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ
ЭҲТИЁЖИ УЧУН ПАХТА ВА ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН
БОҒЛИҚ ҲАРАЖАТЛАРНИ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШ
ТАРТИБИ”**

Мутахассислик: 5А340701 – “Кредит”

Иқтисод магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

“Банк иши” кафедраси мудири

_____ и.ф.н. доц. С.Х.Норқобилов

“___” _____ 2011 йил

Илмий раҳбар

_____ и.ф.н., проф. Т.Қоралиев

Илмий маслаҳатчи

_____ и.ф.н. доц.
З.А.Холмахмадов

Магистратура директори _____ доц. Х.Аҳмедов

ТОШКЕНТ-2011

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-8
I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕХҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	9-25
1.1. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини қуллаб-қувватлашга доир амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари	9-18
1.2. Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини имтиёзли кредитлашнинг ҳуқуқий асослари.....	18-25
II-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ДЕХҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	26-48
2.1. ОАТБ “Агробанк” томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини кредитлаш тартибининг таҳлили.....	26-36
2.2. Тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини имтиёзли микрокредитлаш амалиётининг таҳлили.....	36-48
III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДЕХҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	49-67
3.1. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини кредитлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	49-61
3.2. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури” ижросини таъминлашда тижорат банкларининг ролини ошириш масалалари.....	61-67
Хулоса.....	68-70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71-77

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошди. 2010 йили мамлакатимизнинг барча 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 минг 800 та уй-жой барпо этилди. Ушбу мақсадларга қарийб 430 миллиард сўм миқдоридаги капитал қўйилмалар, жумладан, 250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бу маблағ 2009 йилга нисбатан 9 баробар кўпдир. Дастурни амалга ошириш бошланганидан буён янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб яшаши учун зарур бўлган 165 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объекти барпо этилди¹.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга устуворлик берилиб, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими шакллантирилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур»².

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер ва деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятлари кенгайтирилиши учун маблағлар етишмаслиги ўз ечимини кутаётган энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бир-бирига чамбарчас боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун энг аввало, «биз қишлоқ хўжалигига кредит беришни давом эттиришимиз керак.... Қишлоқ хўжалигига фойда олиш имкониятини яратиб берсак, бошқа соҳалар ҳам унинг арзонроқ хом ашёсидан фойдаланиши мумкин бўлади. Агар кредит ставкаларини осмонга чиқариб қўйиб, қишлоқ хўжалигини

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент.: Ўзбекистон.-2011й.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2010. 58-б

қийнасақ, хом ашёнинг ҳам, озуқанинг ҳам нархи ошади. Оқибатда иқтисодиётимиз зарар кўради, халқимиз ҳам мушкул аҳволга тушиб олади»³.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, республикада шаклланган тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлашнинг амалдаги тизими фермер ва деҳқон хўжаликларининг ишлаб чиқариш, молиявий хўжалик фаолияти етарли даражада ўрганилмаган. Уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинмаган ҳолда, бошқа тармоқлардаги тадбиркорлик субъектлари билан тенг шарт-шароитларга кўйилганлигидир. Яъни, саноат йўналишидаги кичик корхоналарда тижорат банкларидан олинган кредитлар қайтими қисқа муддатларни ташкил этиб, фоиз ставкаларини (қарзларни) тўлаш имкониятлари мавжуд. Аммо, фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришга сарфланган молиявий маблағлар қайтими (даромад олиши) йил якуни билан боғлиқ. Чорвачилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар эса, 2-3 йилдан кейингина даромад олиб, сарфланган харажатларни, шу жумладан, банк кредитларини қайтариш имкониятига эга бўлишади.

Юқорида қайд этилган муаммолар фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимини иқтисодиётни эркинлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнининг мавсумийлиги нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, такомиллаштириш юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб бориш заруриятини вужудга келтиради. Бу эса фермер ва деҳқон хўжаликлари учун амалда бўлган кредитлаш тизимини ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларига асосланиб такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида молиявий муносабатлар ва аграр тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тизими шакллантирилиши ва ривожлантирилишининг назарий ва амалий жиҳатлари республикамиз

³ Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2005. 149-б.

иқтисодчи олимлари А.Абдуганиев, А.В.Вахабов, О.О.Олимжонов, Қ.А.Чориев, М.Шарифхўжаев, Р.Х.Хусанов, Т.Х.Фарманов, Т.Бобокулов, А.М.Қодиров, А.Хуррамов, Ф.Қаюмовлар томонидан тадқиқ этилган⁴.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр соҳадаги тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини молиялаштириш, кредитлаш механизми ва амалиётини такомиллаштириш йўналишлари А.Авлиёкулов, Д.Холмирзаева, З.Каримова, С.Тожиев, А.Боймуратовлар томонидан таҳлил қилинган⁵.

Иқтисодий адабиётда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимини такомиллаштиришнинг йўналишлари комплекс, яхлит мустақил, махсус тадқиқот объекти сифатида чуқур таҳлил қилинмаган. Муаммонинг долзарблиги ва иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги ушбу мавзу танланишига асос бўлди.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер ва деҳқон хўжаликларини имтиёзли кредитлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

⁴ Абдуганиев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: 2004. – 304 б; Вахабов А.А. Роль банков в развитии малого бизнеса // Финансово-экономический журнал налогоплательщика. – Т., 2010. - № 1. – С. 46-47; Олимжонов О.О. ва бошқ. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2005. - 25 б; Чориев Қ. Деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юриктишнинг ҳуқуқий-меърий асослари. – Т.: Шарқ, 2002. - 16 б; Шарифхўжаев М. Иқтисод назарияси. – Т.: Мехнат, 1995. –381 б; Қаюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку: общие региональные проблемы. – М.: Полгран, 1992. –131 с.; Фарманов Т. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Иқт. фан. док. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т., 2006. – 42 б; Бобокулов Т. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш амалиёти // Бозор, пул ва кредит. – Т., 2006. - № 12. - Б. 63-65; Хусанов Р., Галиев И. Финансовое обеспечение сельского хозяйства в условиях реформы □// Экономический вестник Узбекистана. – Ташкент, 1999. - № 11. – С. 8-11; Хуррамов А.Ф. Ўтиш иқтисодиётида мулккий муносабатлар ва уларнинг аграр соҳадаги хусусиятлари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2005. – 42 б.

⁵ Авлиёкулов А. Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаш механизминини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2002. – 24 б; Холмирзаева Д. Аграр тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизминини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т., 2004, 22-б; Каримова З. Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида қишлоқ хўжалигида молия-кредит механизминини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2005, 26-б; Тожиев С. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аграр тузилмаларнинг иқтисодий-молиявий муносабатлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2005, 24-б; Боймуратов А. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2008, 22-б.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифалар ҳал этилиши белгилаб олинди:

- Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини қуллаб-қувватлашга доир амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

- ОАТ “Агробанк” мисолида фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш механизмнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларини имтиёзли микрокредитлаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларини имтиёзли кредитлаш тизимини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш;

- “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури” ижросини таъминлашда тижорат банкларининг ролини ошириш масалалари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Тақиқот иши предметини фермер ва деҳқон хўжаликларини имтиёзли кредитлаш ва уларда кредит ресурсларидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотлар жараёнида гуруҳлаш, таққослаш, монографик кузатиш, таҳлилий баҳолаш усулларида фойдаланилди.

Илмий янгилиги:

- фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлаш тизимининг самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- фермер ва деҳқон хўжаликларини банкдан ташқари кредитлаш тизимини ривожлантириш бўйича тавсиялар тайёрланган;

- “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури” ижросини таъминлашда тижорат банкларининг ролини ошириш масалалари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш борасидаги илмий қарашларни янада бойитиш, қишлоқ хўжалик юритиш субъектларига бериладиган кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имкониятларининг яратилиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишининг илмий хулосалари ва амалий тавсияларидан фермер ва деҳқон хўжаликларини имтиёзли кредитлаш тизимини янада такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 77 бетни ташкил этиб, унда 6 та жадвал ва 7 та расмлар келтирилган.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕХҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини қуллаб-қувватлашга доир амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар қандай давлат ва жамиятнинг ривожланишида “ташқи сиёсат”, “ички сиёсат”, “иқтисодий сиёсат”, “ижтимоий сиёсат”, “ҳуқуқий сиёсат”, “аграр сиёсат”, ҳарбий сиёсат”, “кадрлар сиёсати”, “экологик сиёсат” ва бошқа турлардаги сиёсат йўналишлари жуда муҳим рол ўйнайди.

Ана шу сиёсатларнинг ичида энг муҳимларидан бири ижтимоий сиёсатдир. Сабаби, ҳар қандай давлатда аҳолининг ижтимоий масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан аҳолига қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, улар фаровонлигини таъминлаш, аҳолини иш, ҳар кимнинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиши, пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдам олиши, малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси ва ҳаказолар билан таъминланганлиги ушбу мамлакатнинг тинчлигини, осойишталигини, барқарорлигини ва тараққиётини белгилаб беради.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач ўз олдига “бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли ҳуқуқий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”дек олий мақсадни кўзлаб, ўзининг янги тараққиёт йўлини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Кўзланган мақсадга эришиш учун танлаб олинган асосий бешта принципдан иборат бўлган “Ўзбек модели” (Иқтисоднинг сиёсатдан

устуворлиги, Қонуннинг устуворлиги, Давлатнинг бош ислохотчилик роли, Кучли ижтимоий сиёсат, Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш)нинг барча мамлакатлар, шу жумладан АҚШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар томонидан тан олинishi, давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари мустақилликка эришгандан буён 50-55 фоиз атрофида ажратиладиганлиги (бирор бир мамлакатда, хаттоки ривожланган мамлакатларда бюджет харажатларининг 50 фоизи атрофида бунча салмоқда ажратиладигани йўқ), 2009 йилда 56,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 59 фоиздан ошганлиги, ўтган йилда аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошганлиги бунинг яққол далилидир.

Хаттоки, Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан давлатимизда ижтимоий сиёсатни кўзлаб, йилларнинг алоҳида номланиши, “Инсон манфаатлари йили” (1997 йил), “Оила йили” (1998 йил), “Соғлом авлод йили” (1999 йил), “Аёллар йили” (2000 йил), “Она ва бола йили” (2001 йил), “Қарияларни қадрлаш йили” (2002 йил), “Обод маҳалла йили” (2003 йил), “Меҳр ва мурувват йили” (2004 йил), “Сихат саломатлик йили” (2005 йил), “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” (2006 йил), “Ижтимоий ҳимоя йили” (2007 йил), “Ёшлар йили” (2008), “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” (2009) ва 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб номланиши, йилларнинг алоҳида номланиши орқали махсус давлат дастурларини қабул қилиш ва амалга ошириш, мамлакатимизда, шу жумладан қишлоқларда мактаблар, лицейлар, коллежлар, йўллар, қишлоқ врачлик амбулаториялари қурилиши, аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилган ишларнинг нақадар тўғри эканлигини тан олган Россия Федерацияси, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг бизнинг мамлакатимизда олиб бориладиган ижтимоий сиёсат тажрибасини биздан кўриб ўз мамлакатларида қўллаётганлиги, жумладан, йилларнинг алоҳида

номланиши, қишлоқларда мактаблар, лицейлар, коллежлар, йўллар, қишлоқ врачлик амбулаториялари қурилиши, аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси ва ҳаказолар билан таъминлаш каби масалаларга яқин йиллардан бошлаб эътибор берилаётганлиги ва иш олиб бораётганлиги бунинг яққол далилидир.

Қишлоқ аҳолиси учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг амалий натижалари билан боғлиқдир. Агарда 1989 йилдан 2010 йилгача бўлган даврга, қарийб 20 йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ана шу вақт мобайнида мамлакатимизда қишлоқ ҳаётини, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, қишлоқдаги ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг 57 та қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 100 га яқин фармон ва қарорлари, ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 100 дан ортиқ қарорлари қабул қабул қилинганлигига гувоҳ бўламиз.

Ўзбекистон давлатининг мамлакатда, жумладан, қишлоққа доир олиб бораётган ижтимоий сиёсати замирида одамларнинг турмуш даражасини кўтариш, уларнинг унумли ишлаши, фаровон яшаши учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш, ватанга, элга сидқидилдан хизмат қиладиган жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонни тарбиялаш сингари эзгу мақсадлар мужассам.

Мамлакатдаги мустақилликдан олдинги ва ҳозирги кундаги аҳволни солиштириб кўрадиган бўлсак, истиқлолгача фақат катта шаҳарлардагина аҳоли 50 фоиз атрофида табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланган бўлса, ичимлик суви билан таъминланиш 84 фоизни, бу рақам қишлоқ жойларда 77 фоизни, табиий газ жами 82 фоиз бўлса, қишлоқ жойларда эса 78 фоизни ташкил қилмоқда.

Олис қишлоқ туманларида ёшларни иш билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишларига

кўмаклашиш мақсадида биргина 2009 йилда иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарманинг 5 млрд. сўмдан ортиқ маблағлари йўналтирилди. Шу орқали қишлоқ жойларда 1145 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари, жумладан, сартарошхона, ҳаммом, пойабзал таъмирлаш устaxonалари ва бошқа объектлар ишга туширилиб, уларда 4 мингга яқин иш жойлари яратилди.

Меҳнат бозорига мослаша олмаган 11 минг нафардан кўпроқ ёшлар қисқа муддатли қайта ўқитиш курсларида касбга тайёрланиб, ишга жойлаштирилди. Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 минг нафардан зиёд касб-хунар коллежлари битирувчиларига 6,2 млрд. сўмликдан ортиқ микрокредитлар ажратилди.

“Ёшлар йили” Давлат дастури доирасида ёш оилаларнинг уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олишлари учун 27 млрд. сўмлик имтиёзли, маиший-турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида 35,2 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди. Республика минтақаларида ёш оилаларнинг ижтимоий фаровонлик даражасини ошириш, уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ҳудудларда 67 та кўпқаватли уй-жой қуриш бўйича 67 млрд. 477 млн. сўм маблағ ўзлаштирилди.

Қишлоқ мактабларини педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2 минг нафардан ортиқ ёш ўқитувчилар оилаларига яқка тартибда уй қуришлари учун ер участкалари ажратилди. Шу билан бирга, кўп болали ва ёш оилаларнинг даромад олиш имкониятларини ошириш чоралари кўрилиб, бу борада уларнинг қорамол сотиб олишлари учун 16 млрд. 480 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Ёш оилаларнинг моддий аҳволини янада яхшилаш мақсадида 17 мингдан ортиқ кам таъминланган оилалар бепул қорамол билан таъминланиб, ушбу мақсад учун 19 млрд. сўмдан ортиқ ҳомийлар маблағи сарфланди.

2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинганлигини Ўзбекистон давлатининг қишлоққа доир ижтимоий сиёсатининг изчил давоми сифатида кўриш мумкин. Бундан кўзлаганган

мақсад қишлоқларни янада обод ва фаровон этиш, аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, қишлоқ аҳлининг энг зарур ҳаётий манфаатларини таъминлаш йўлидаги интилиш ва ҳаракатларни янги босқичга кўтариш эди.

Дунёнинг кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ривожланиб келаётган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа бу бойликни янада кўпайтириш, асраб-авайлаш, ўзини ва оиласини боқиш, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда ҳимоялаш учун астойдил жон куйдиради. Қишлоқ хўжалиги ҳам бошқа барча соҳалар каби айнан мулк эгаларига-тадбиркор ва ишбилармон инсонлар, айниқса, фермерларга суянгандагина тараққий этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги муҳим ҳужжат бўлди. Маълумки, қишлоқ хонадонини мол-ҳолсиз тасаввур этиш қийин. Чорва қишлоқ аҳлининг турмушида меҳнат ва даромадларининг асосий қисмини белгилайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур қарор мамлакатда одамлар турмуш даражасини ошириш ва иш билан таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Биз қуйида ушбу қарорининг уч бандига тўхталиб ўтмоқчимиз. Агар қарор ижроси борасида амалга оширилаётган ишларнинг кўламига назар ташласак, бу жараёнда қишлоқ аҳлининг ҳам, жойлардаги мутасаддиларнинг ҳам, саҳоватли инсонлар, беминнат хомийларнинг ҳам фаол эканлиги намоён бўлади. Масалан, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилиши ва қонунга мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга

бўлиши фуқароларнинг иш билан бандлигидан ташқари, келгуси ҳаётида пенсия олишга замин.

Мазкур қарорда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш хусусида ҳам алоҳида банд мавжуд. Шунга кўра, аҳолига жами 44,8 млрд сўм миқдорида микрокредит ажратиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача 41,4 млрд. сўм кредит берилди. Аниқроқ айтидиган бўлсак, 25166 нафар фуқаро қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредит олди. Демак, давлат қишлоқ аҳолисига моддий мадад бериш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилаб олиш учун кўмаклашмоқда.

Мазкур қарорда таъкидланганидек, кам таминланган оилаларга ҳомийлар томонидан қорамоллар бериш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимлари томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар маъқулланган. Бу тадбирга кўра, мамлакат бўйича эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалардан 20272 нафарига ҳомийлар ҳамда нодавлат хайрия ташкилотлари томонидан бепул қорамол бериш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача 18674 хонадон ана шундай беминнат ҳомийлик ёрдамини олиб бўлди.

Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида қурилиш ишларини олиб бориши учун 2009 йилнинг ўзида “Қишлоққурилиш банк” орқали қарийб 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. 2010 йилда эса ана шу мақсадлар учун кўшимча равишда яна салкам 530 миллиард сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган бўлиб, бунинг 256 миллиард сўмдан зиёди давлат томонидан ажратилади. Бу борадаги ишлар 2010 йилда янада кенг кўламда давом эттирилиб, мамлакатнинг 159 қишлоқ туманларида 7 минг 630 та янги уй-жой барпо

этилади. Уларни 2011 йилнинг август-сентябрь ойларида ўз эгаларига топшириш режалаштирилган.

Айтиш жоизки, мамлакат раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган режаларда нафақат шинам ва обод уйлар қуриш, айти пайтда болалар боғчалари, умумтаълим ва musiқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳлининг ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий турар-жой мавзеларини комплекс барпо этиш аниқ белгилаб берилган.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишда энг муҳим масалалардан бири бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. Бу ҳақда гапирганда, аввало, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 31 та, жумладан, 2 миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та корхона, шунингдек, гипс, алебастр, гипсокартон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йиғма конструкциялар тайёрлайдиган янги корхоналар фойдаланишга топширилганини қайд этиш лозим. Шулар қаторида йилига 81 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 12 та янги завод ишга туширилди. Янгидан барпо этилган бу корхоналарда тайёрланадиган қурилиш материаллари, хусусан, ғишт нархини пасайтириш мақсадида уларга ҳар томонлама имтиёз ва шароитлар туғдириб берилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларимизда, аввало, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг

кўламли дастурни амалга ошириш ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида бўлмоқда.

Ўтган йилда 217 километрлик автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва 19 та кўприк капитал таъмирланди. Бу ишларни амалга ошириш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 280 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Қишлоқда меҳнат қилувчи фермерлар ва аҳолининг даромадини ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж қудуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради.

Ўтган йили қўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шундай меҳнат фаолиятини ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш ўрни яратилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминланади.

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистон қишлоқларида ҳам анъанавий маиший хизматлар билан бирга, замонавий телекоммуникация тизимлари, хусусан, интернет, мобиль телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган янги сервис шохобчалари жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ жойларида уяли алоқа хизмати абонентлари сони 5 миллионга етгани, бу эса мамлакат бўйича умумий кўрсаткичнинг 30 фоизини ташкил этаётгани ва ушбу рақам тез суръатлар билан ўсиб бораётгани, шунингдек, биргина 2009 йилда 4 минг 200 та қишлоқ мактаби интернет тармоғига улангани Ўзбекистонда улкан ишлар амалга оширилаётганидан дарак бериб турибди.

Энг асосийси, бундай хизмат турларининг ривожланиши аҳоли эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, айти пайтда қишлоқ жойлардаги лицей ва коллежларни битирган минглаб йигит-қизларни иш билан таъминлашга хизмат қиляпти. 2009 йилда фақат қишлоқ жойларда 460 мингта, жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 380 мингта янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш ҳақида гапирганда, дунё бўйича энг ўткир ва долзарб масалалардан бири бўлган инсон саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод тарбияси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш билан боғлиқ муаммога алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Бу соҳада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида барча қишлоқ туманларининг марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион доллар бўлган тиббий анжомлар, 44 та “УАЗ” санитария машинаси, 280 та “Дамас-амбуланс” тез ёрдам машинаси билан таъминланди, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорида тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилди.

Энг муҳими, ўтган йил давомида Ўзбекистонда 3 миллион 750 минг нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий ўғрикдан, 22 минг нафардан зиёд

хомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилгани, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлагани давлатимизнинг ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасида том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан 12 йил олдин Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган эди. 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ишлаб чиқилди.

Бу дастурлар доирасида мамлакатда, жумладан қишлоқларда минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жиҳозлашдек кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд ўқувчилар, жумладан, 1 миллион 55 минг нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, ҳозирда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилмоқда.

Мамлакат мустақиликка эришган дастлабки йилларда ўқув юртлари бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланишини, спорт инфратузилмасига эга бўлиши, тизимга интернет кириб келишини дунёдаги ҳеч бир давлат, жумладан ривожланган мамлакатлар ҳам тасаввур қилмаган эди.

Биргина 2009 йилнинг ўзида мамлакатда жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан қишлоқ жойларидадир. Шулар қаторида барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларида бунёд этилди.

Айнан қишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Энг муҳими, бу амалга оширилаётган ишлар бир-бирини тўлдириб, Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач ўз олдига қўйган олий мақсад яъни “бозор иқтисодиётига асосланган, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли ҳуқуқий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш” борасида узоқни кўзлаб ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг тинчлигини, осойишталигини, барқарорлигини ва тараққиётини таъминламоқда.

1.2. Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини имтиёзли кредитлашнинг ҳуқуқий асослари

Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредитлар муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик ҳамда мақсадли фойдаланиш шартларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларида берилади.

“Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги низом асосида кредитлаш давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги корхоналарига татбиқ этилади.

Кредитлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 60 фоизигача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини инобатга олган ҳолда) миқдорида берилади.

Бунда, кредитлар агротехник тадбирлар муддатида келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда ажратилади:

- пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 апрелига қадар пахта хом ашёси қийматининг 25 фоизигача, 1 июлга қадар 50 фоизгача ва 1 сентябрга қадар 60 фоизгача;

- ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар ғалла қийматининг 30 фоизгача, 1 апрелга қадар 50 фоизгача ва 1 июнга қадар 60 фоизгача.

- Ҳар ой ва чоракларда ажратиладиган кредит ресурслари миқдори Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Кредит миқдори қишлоқ хўжалиги корхонасининг «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмахсулот» АК корхоналари (бундан кейинги матнларда — тайёрлов корхоналари) билан давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот учун тузилган контрактация шартномаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги ўртача харид нарх асос қилиб олинади.

Мазкур кредитлар фақат қуйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин:

- иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;
- минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини харид қилиш учун;
- ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш учун;
- МТПлар, муқобил МТПлар ва қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектларининг хизматлари учун тўловларга;
- Лизингга (молиявий ижарага) берилган техника воситаларининг лизинг тўловларига;
- СИУлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) хизматлари учун тўловларга;
- ягона ер солиғи тўловларига;
- Электр энергия тўловларига;
- Уруғлик учун тўловларга;
- Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган бошқа зарурий эҳтиёжлари учун ҳам тўловлар амалга оширилиши мумкин. Бошқа зарурий эҳтиёжлар ҳисобидан пахта ва ғалла

етиштириш билан боғлиқ харажатларига, банк хизмати, хўжалик ва идора харажатлари, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш харажатлари, суғурта харажатлари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тўланадиган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаларини сақлаш харажатлари учун тўловлар амалга оширилиши мумкин.

Бунда, экинларни етиштириш харажатларининг ҳар бир турини молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп миқдори юзасидан тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йилги ҳосил учун агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Мазкур тавсия этилаётган харажатларнинг агротехника меъёрлари қишлоқ хўжалиги корхоналарига бизнес-режа (иловага мувофиқ) ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг бирор-бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган бошқа рухсат этилган харажат турлари бўйича, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалашга ишлатилиши (минерал ўғит, кимёвий ёки биологик воситалар, ёқилғи мойлаш материаллари ва уруғлик материал харажатлари бундан мустасно) мумкин.

Агротехник тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган имтиёзли кредит ресурсларининг рухсат этилган харажат турлари бўйича мақсадли сарфланиши юзасидан мониторинг қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари зиммасига юклатилади.

Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари билан якуний ҳисоб-китоблар якунлангунча, лекин ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 12 ойдан ва пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштиришга ажратилган

кредитлар бўйича 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш банк маржасини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзли фоиз ставкаси билан амалга оширилади.

Бу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 3 фоиз миқдорида белгиланиб, унинг 2 фоизи банк маржасини ташкил этади.

Кредит қишлоқ хўжалиги корхонасига унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очган ва унга хизмат кўрсатаётган банк томонидан берилади. Ушбу кредитларни иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очилган банк томонидан берилишига рухсат берилмайди.

Олдинги йилларда ажратилган имтиёзли кредитлар тўлиқ сўндирилгандан сўнг жорий йил ҳосили учун имтиёзли кредитлар берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари тайёрлов корхоналари билан контрактация шартномалари тузганларидан кейин кредит олиш учун уларнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка ариза билан мурожаат этишади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари нусхалари;
- кредитга бўлган талабни аниқлаш учун тайёрланган бизнес-режа;
- дебитор-кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот.

Кредитлар қайтишини таъминлаш мақсадида, тижорат банки давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришни молиялаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича ўзининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиши мумкин. Бунда, суғурта ташкилотлари томонидан тақдим этилган суғурта полиси кредит шартномасида белгиланган кредитнинг бутун

қайтариш муддатига берилади. Суғурта ташкилоти билан келишилган суғурта пули тақдим этилаётган кредит миқдоридан кўп бўлмаслиги зарур.

Доимий равишда давлат буюртмасини ва тижорат банки олдидаги мажбуриятларини бажариб келаётган фермер хўжаликларига кредитлар қонунчилиқда белгиланган тартибда таъминотсиз (ишончли кредитлар) ажратилиши мумкин.

Тайёрлов корхоналари тижорат банклари томонидан пахта ва ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун берилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларнинг қарздор қишлоқ хўжалиқ корхоналари томонидан муддатида қайтарилиши борасида қафиллик беришлари мумкин. Қафиллик қонунчилиқда белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, банк қишлоқ хўжалиги корхонасининг аризасини кўриб чиқиши ва 3 кун муддат ичида у билан кредит шартномаси тузиши лозим.

Банк кредит қўмитаси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, у раддияни ёзма шаклда изоҳлаб бериши шарт.

Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қишлоқ хўжалиги корхонасига ссуда ҳисобварағи очилади.

Қишлоқ хўжалиқ корхоналарининг ссуда ҳисобварағидан тўловлар нақд пулсиз шаклда (иш ҳақидан ташқари) қишлоқ хўжалиқ корхоналарининг тўлов топшириқномаларига асосан амалга оширилади.

Жорий йил ҳосили учун етказиб берилган моддий-техник ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун 2-картотекага кириш қилинган ва белгиланган тартибда қарз олувчи томонидан акцептланган тўлов талабномаларига мувофиқ тўловлар амалга оширилади.

Тўлов талабномалари қарз олувчи томонидан акцептланмаган тақдирда, тўловлар суд қарори асосида ундирилади.

Шунингдек, «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси, «Қишлоқхўжалиқ-кимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ва МТП

(машина-трактор парклари) туман корхоналари ва ташкилотлари билан тузилган шартномаларда фермер хўжалигининг жорий ва келгуси ойда амалга ошириладиган агротехник тадбирларига қилинадиган харажатлар қиймати миқдорида (ўғитлаш, шудгорлаш) олдиндан тўловни амалга ошириш белгиланган тақдирда фермер хўжаликлари ушбу харажатлар суммасини тўлов топшириқномалари орқали олдиндан тўловларни ўтказишлари мумкин.

Бунда, тўловлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ойлик иш ҳақи тўловлари учун агротехкарталарда белгиланган меъёрларда;

б) кишлоқ хўжалик корхоналарининг минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари, «Ўзағромашсервис» уюшмаси МТП ларининг хизматлари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, фойдаланилган электроэнергия ва уруғлик материали қиймати учун тўловларда, маблағлар «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ филиаллари, «Ўзағромашсервис» уюшмаси МТП лари, «Ўзнефтмахсулот» компанияси, «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари ҳамда тайёрлов корхоналарининг махсус 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказилади;

в) СИУлар (Сув истеъмолчилари уюшмалари), ўсимликларни биологик усулда химоя қилиш учун биолаборатория ва биофабрикалар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлар уларнинг махсус 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказилади;

г) муқобил МТПлар томонидан кўрсатилган ва кўрсатиладиган техника хизматлари учун тўловларда, маблағлар уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади;

д) бошқа ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳамда эҳтиёт қисмлар учун тўловларда, маблағлар ушбу ташкилотларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади.

Тижорат банклар тўловларнинг ссуда ҳисобварағидан мазкур Низомнинг 5 ва 6-бандлардаги мақсадлар ва агротехник меъёрлар бўйича амалга оширилишини назорат қилади. Тижорат банклар суғурта ташкилотлари ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлинмалари билан биргаликда суғурта шартномаси асосида ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси бўйича пахта ва ғалла экинларининг ҳолатини ва бўлажак ҳосилнинг берилган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш учун етарлилигини аниқлаш мақсадида доимий мониторинг ўрнатадилар.

Экинлар (тўлиқ ёки қисман) мавжуд бўлмаган ёки улар ахволининг қониқарсизлиги, жумладан агротехник тадбирларнинг кечикиши, экин майдонларини бегона ўтлар босиб кетиши натижасида кутиладиган ҳосил олишнинг имкони йўқлиги аниқланганда, бу ҳақда банк ва суғурта ташкилоти ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлинмалари (Фермер хўжаликлари уюшмасининг вакиллиги) биргаликда уч томонлама далолатнома тузадилар. Ушбу далолатнома асосида банк кредитлашни тўхтатади ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин сўндириш чораларини кўради. Бу чоралар кредит шартномасида келишилган бўлиши керак.

Шу билан бир вақтда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг туман бўлинмалари томонидан ушбу далолатнома хизмат кўрсатувчи тармоқ корхоналарига етказилиши лозим.

Кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг махсус 23210 (23220) ҳисоб рақамларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан, биринчи навбатда банк томонидан мемориал ордерлар билан ундирилади.

Кредит шартномаси асосида берилган кредитларни қайтариш муддати етиб келганда, уларни ундириб олиш учун, қарздор — қишлоқ хўжалиги корхонасининг маблағи етарли бўлмаганда, тижорат банклари суғурта

полиси асосида суғурта ташкилотларига суғурта ҳодисаси рўй берганлиги тўғрисида мурожаат қиладилар.

Суғурта товони, тижорат банклари ва суғурта ташкилотлари ўртасида тузилган Бош полис асосида тижорат банкларига 5 кун муддатда тўлаб берилади.

Топширилган маҳсулот учун якуний ҳисоб-китобларда тайёрлов корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилган моддий бойликлар қиймати ва аввалги йиллар қарзларини чегириб қолишга йўл қўйилмайди. Ушбу моддий бойликлар учун ҳисоб-китоблар ва кредитор қарзларни ундириш ажратилган банк кредитлари тўлиқ қайтарилгач, қишлоқ хўжалик корхонасининг ҳисоб рақамидан ўрнатилган тартибда тўлов ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоизлар кредитнинг амалдаги қолдиғига ҳар куни ҳисоблаб борилади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан:

ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича йилнинг июль ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача;

пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача ундирилади.

Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтаришлари мумкин.

Ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши хизмат кўрсатувчи банк раҳбарлари зиммасига юклатилади. Шунингдек, ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланиш Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан текшириб борилади.

II-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ДЕХҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. ОАТБ “Агробанк” томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини кредитлаш тартибининг таҳлили

2011 йил республикамізда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ҳамда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида банк тизимида жорий йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Банк томонидан 2011 йил 1-апрель ҳолатига кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар 61,3 млрд. сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 110 фоизга бажарилди. Мазкур кредитлар ҳисобига 9 759 та иш ўринлари яратилди.

Берилган микрокредитлар 18,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўрнатилган режа 127 фоизга бажарилди. Ажратилган микрокредитлар ҳисобига 2739 та янги иш ўринлари яратилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш мақсадида 804,0 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилиб, белгиланган прогноз 182 фоизни, яратилган иш ўринлари сони эса 208 тани ташкил этди.

Президентимизнинг 2006 йил 23-мартдаги Пк-308-сонли қарори билан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига 1,9 млрд. сўм кредит ажратилиб, белгиланган прогноз 106 фоизга бажарилди. Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига 708 та иш ўринлари яратилди.

Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 697,0 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, жумладан, бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 96,0 млн. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди.

2009 йил 26-январдаги қарорига асосан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида 19,7 млрд. сўм кредитлар ажратилди, белгиланган режа 146 фоизга бажарилди. Мазкур кредитлар ҳисобига 2758 та иш ўринлари яратилди.

Шу қарорга асосан аҳолининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида 13,7 млрд. сўм кредит ажратилди ва ўрнатилган прогноз 107 фоизга бажарилиб, 1 462 та иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес субъектларига банкнинг имтиёзли кредитлар жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 2,2 млрд сўм имтиёзли кредит ажратилди. Мазкур кредитлар ҳисобига 206 та дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Тадбиркор аёлларни қўллаб қувватлаш бўйича 5,3 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди, Белгиланган режа 112 фоизга бажарилди. Яратилган иш ўринлари сони 774 тага кўпайди.

Ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида 989,0 млн. сўмлик кичик бизнес субъектлари лойиҳалари молиялаштирилиб, яратилган иш ўринлари сони 141 тани ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 3,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди ва белгиланган режа 146 фоизга бажарилди. Улар ҳисобига яратилган иш ўринлари сони 680 тани ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Осиё тараққиёт банки иштирокида Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш, 2-фаза лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, ОТБ маблағларини ўзлаштириш мақсадида Молия Вазирлиги билан шартнома имзоланди. 2010 йилда мазкур линиянинг графикка асосан 2 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди.

Дастур доирасида 4,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалар молиялаштирилиб, шундан Осиё тараққиёт банкнинг 2,0 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлари сарфланди. Ушбу кредитларнинг 3,4 млн. АҚШ доллари ёки 86 фоизи қишлоқ хўжалигига, 0,2 млн. АҚШ доллари ёки 6

фоизи ишлаб чиқаришга, 0,3 млн. АҚШ доллари ёки 8 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди.

Дастур доирасида ажратилган кредитлар ҳисобига 446 та янги ишчи ўринлари яратилди, ишлаб чиқарилган ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 379,3 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Жорий йилда линиянинг 8 млн. жумладан, 1-чорак давомида 2 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур маблағ тўлиқ ўзлаштирилди.

2009 йилда Агробанк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30-мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31-мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларига биноан Марказий банкнинг меъёрий ва йўриқнома ҳужжатлари ҳамда Агробанкнинг кредит сиёсати талаблари асосида ташкил этиб, асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек банк кредит таваккалчиликларини минималлаштириш ҳамда ажратилган кредитларнинг қайтарувчанлигини оширишга қаратди.

Агробанк мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўзининг муассасасига эга бўлиб, 185 та туман (шаҳар) филиали, 468 та минибанки, 189 та махсус касса, 274 та валюта айирбошлаш шохобчаси, қарийб 270 мингдан ортиқ юридик ва 1млн. дан ортиқ жисмоний шахсга банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Жумладан, бугунги кунда Агробанк тизими орқали 45 мингдан ортиқ фермер хўжалигига, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси таркибидаги 127 та, “Ўздонмахсулот” давлат акциядорлик компанияси таркибидаги 45 та, “Ўзагромашсервис” уюшмаси таркибидаги 193 та, 800 дан зиёд муқобил машина трактор паркига, “Ўзқишлоқхўжаликкимё” тизимидаги 172 та корхонасига, 710 та қурилиш ва 392 та транспорт корхонасига, 74 мингдан

ортиқ кичик бизнес субъектларига кенг қамровли банк хизматлари кўрсатилмоқда.

2009 йилда “Ўздонмахсулот” компанияси тизимидаги дон корхоналари Агробанкка жалб қилиниб, улар 60,0 млрд. сўмдан ортиқ кредитлари билан “Қишлоқ қурилишбанк”дан сотиб олинди. Шунингдек, “Қишлоқ қурилишбанк”дан 48,2 млрд. сўмлик кредит қарздорликлари билан 2395 та фермер хўжалиги Агробанкка жалб қилинди.

2009 йилда банк томонидан иқтисодиётнинг турли соҳаларига 1308,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу борадаги кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 367,3 млрд. сўм ёки 40 фоизга кўпдир. Хусусан, қишлоқ хўжалик корхоналарига 672,4 млрд. сўм, шундан пахта ва ғалла ҳосили етиштириш харажатларига 623,7 млрд. сўм, саноат корхоналарига 205,9 млрд. сўм, моддий-техник таъминотга 137,9 млрд. сўм, савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига 122,5 млрд. сўм, қурилиш соҳасига 27,5 млрд. сўм, транспорт корхоналарига 2,6 млрд. сўм ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқ корхоналарига 140,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Иқтисодиётнинг аграр соҳасини ривожлантириш мақсадида ҳудудлар кесимида Агробанк томонидан 2009 йилда амалга ошириладиган чоратadbирлар дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур доирасида 2009 йилда 472,7 млрд. сўм кредит ажратилиб, белгиланган прогнозлар 157 фоизга бажарилди, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар ҳисобидан 47 416 та янги иш ўрни яратилди.

Хусусан, 2009 йилда:

- чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган 4858 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратилган 23,7 млрд. сўмлик кредит ҳисобидан 21 388 бош қорамол сотиб олинди, 443 тонна гўшт, 15511 тонна сут етиштирилди ва 10535 та янги иш ўрни ташкил қилинди;

- паррандачилиқни ривожлантиришга қаратилган 386 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 10,1 млрд. сўмлик кредит ҳисобидан

паррандалар сони 1 688 917 тага кўпайтирилди, 20533 минг дона тухум, 270 тонна парҳез гўшти етиштирилди, 2797 та янги иш ўрни яратилди;

- балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган 137 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1,5 млрд. сўмлик кредит ҳисобидан 296 та янги иш ўрни яратилди ва 405 тонна ёки 1,2 млрд. сўмлик балиқ маҳсулотлари етказиб берилди;

- асаларичиликни ривожлантиришга қаратилган 95 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1,1 млрд. сўмлик кредит ҳисобидан 162 та янги иш ўрни яратилди ва 28,3 тонна ёки 310,7 млн. сўмлик асал истеъмолчиларга етказиб берилди;

- иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган 299 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратилган 9,3 млрд. сўмлик кредит ҳисобидан 1499 та янги иш ўрни яратилди ва 24,7 млрд. сўмлик маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилди;

- ҳудудларда чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш, жумладан омукта ем, шрот ва шелуха сотиш бирлашмалари ҳамда шохобчаларини ташкил этиш ва уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун ҳисобот даврида 9,5 млрд. сўмлик кредит ажратилди ҳамда 323 та янги иш ўрни яратилди;

- гўшт ва сутни қайта ишлаш минитехнологиялари ҳамда ихчам ускуналар сотиб олиш учун ажратилган 7,4 млрд. сўмлик кредит ҳисобидан 1339 та иш ўрни ташкил қилинди;

- савдо дўконлари қуриш ва таъмирлаш учун 412 та миқозга 6,1 млрд. сўм, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун 1,8 млрд. сўм, жами 7,9 млрд. сўм кредит ажратилди ҳамда 1472 та янги иш ўрни яратилди.

2009 йилнинг 31-декабрь ҳолатига кўра, Агробанк кредит қўйилмаларининг қолдиғи 1017,4 млрд. сўм бўлиб, ўтган йил бошига нисбатан 287,2 млрд. сўмга ёки 139,3 фоизга ортди, кредитларнинг қарийб 62 фоизини инвестиция лойиҳаларига йўналтирилган қўйилмалар ташкил қилди.

2.1.1-жадвал**“Агробанк” томонидан 2009 йил 31 декабрь ҳолатига иқтисодиёт тармоқларига ажратилган кредит қўйилмалар ҳажми⁶**

млн.сўмда

№	Иқтисодиёт тармоқлари	Йиллар	
		2008	2009
1.	Саноат	113 168	213 766
2.	Қишлоқ хўжалиги	285 328	377 399
3.	Транспорт ва алоқа	1 763	2 009
4.	Қурилиш	32 899	45 409
5.	Савдо ва умумий овқатланиш	57 623	58 656
6.	Моддий-техника таъминоти	129 066	158 424
7.	Бошқа соҳалар	110 370	162 082
Жами		672 594	1 017 745

Дехқон ва фермер хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган корхоналарни қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 100,7 млрд. сўм кредит ажратилди. Жумладан, дон ўриш комбайнларига 24,8 млрд. сўм, ҳайдов тракторларига 30,6 млрд. сўм, чопиқ тракторларига 34,1 млрд. сўм ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари, турли тиркамалар ҳамда эҳтиёт қисмлар харид қилишга 11,2 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Ажратилган кредитлар ҳисобидан 169 та дон комбайни, 411 та ҳайдов трактори, 1245 та чопиқ трактори, 880 та бошқа қишлоқ хўжалик техникалари, турли тиркама ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.


Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2009 йилда ғалла ҳосили учун 110,1 млрд. сўмлик,

⁶ Манба: ОАТБ “Агробанк” ҳисобот материаллари-2009йил.

пахта етиштириш харажатлари учун 431,2 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Ўтган йили чет эл кредит линияларини жалб қилиш орқали ҳам фермер хўжаликларининг техника таъминоти мустаҳкамланди. Жумладан, Осиё тараққиёт банкининг “Аму-занг машина канали тизимини тиклаш” лойиҳаси маблағлари ҳисобидан 57,4 минг АҚШ доллари, “Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш” лойиҳаси маблағлари ҳисобидан 1846,2 минг АҚШ доллари ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси “Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг II босқичи” лойиҳаси маблағлари ҳисобидан 8199,4 минг АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Мазкур хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳалар асосида фермер хўжаликлари 60 та “Нью Холланд” русумли дон комбайни, 21 та МХМ-140 “Магнум” русумли ҳайдов трактори, битта “SOLAR 300 LC-V” русумли экскаватор, 2 та “ТТЗ-8011” трактори ва 2 та тиркама туридаги қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминланди ҳамда 170 та янги иш ўрни яратилди.

2.1.1-расм

“Агробанк” кредит қўйилмаларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши, 2009 йил 31 декабрь ҳолатига⁷



⁷ Манба: ОАТБ “Агробанк” ҳисобот материаллари-2009йил.

2009 йил давомида 4 796 шахсий томорқа эгаси ҳамда фермер хўжаликларига сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум етиштириш учун 9,6 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Бу борадаги кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 38 фоиз кўпдир.

Жумладан, 442 шахсий томорқа эгаси ва фермер хўжаликларига сабзавот уруғи учун 432,2 млн. сўм, 227 шахсий томорқа эгаси ҳамда фермер хўжаликларига полиз экини уруғи учун 223,4 млн. сўм, 2204 шахсий томорқа эгаси ва фермер хўжаликларига уруғлик картошка учун 5 734,9 млн. сўм, 1366 шахсий томорқа эгаси ҳамда фермер хўжаликларига мевали кўчат учун 1249,7 млн. сўм, 171 та шахсий томорқа эгаси ҳамда фермер хўжаликларига ток кўчати учун 203,1 млн. сўм, 386 шахсий томорқа эгаси ва фермер хўжаликларига минерал ўғит харид қилиш учун 267,3 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Мазкур кредитларни расмийлаштиришда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари уруғлик ва кўчат харид қилишга оид намунавий бизнес режалар билан таъминланиб, уруғлик ва кўчатлар “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамиятлари томонидан жойларда ташкил этилган шохобчалар ҳамда банкнинг кўчма савдо дўконлари (транспорт воситалари) орқали етказиб берилди. Кутилаётган сув танқислигининг етиштирилаётган ҳосилга салбий таъсирини, қишлоқ хўжалик корхоналарида табиий ресурслар сарфи ва бошқа харажатларни камайтириш ҳисобидан маҳсулот таннархини арзонлаштириш мақсадида экинларни томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун Андижон вилоятида 2 та фермер хўжалигига 59 млн. сўм, Наманган вилоятида 6 та фермер хўжалигига 99,3 млн. сўм, Хоразм вилоятида 14 та фермер хўжалигига 119,2 млн. сўм, Самарқанд вилоятида битта фермер хўжалигига 5,0 млн. сўм, Жиззах вилоятида битта фермер хўжалигига 10 млн. сўм, жами 24 та фермер хўжалигига 292,5 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Банк тизимида хизмат кўрсатилаётган сабзавот, картошка, полиз, мева ва узум маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш, улгуржи сотиш ҳамда қайта ишлашга ихтисослашган тайёрлов ташкилотлари, шу жумладан

агрофирмаларга шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак маблағлари ажратилишини таъминлаш мақсадида мевасабзавот маҳсулотлари учун 690,7 млн. сўм, минитехнология ва ихчам ускуналар олиб келишга 5052,3 млн. сўм, жами 5743 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.


2009 йилда кичик бизнес субъектларининг 29552 та лойиҳаси молиялаштирилди, берилган кредитларнинг умумий ҳажми 219,3 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан банкнинг ўз ресурс маблағлари ҳисобидан 207,9 млрд. сўм, жалб қилинган ресурслар ҳисобидан эса 11,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Мазкур субъектларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 2008 йилга нисбатан 135,8 млрд. сўмга ёки 2 баробарга ўсди.

2.1.2-расм

“Агробанк” томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг ўсиш динамикаси⁸

млн.сўмда



⁸ Манба: ОАТБ “Агробанк” ҳисобот материаллари-2009йил.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш учун 12,2 млрд. сўм кредит ажратилди. Бу кредитлар ҳисобидан 9 287 та иш ўрни яратилди.


Мамлакатимизда тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Агробанк тизимида 16 581 тадбиркор аёл ҳисоб рақамини очиб, фаолият юритмоқда. Уларни қўллаб-қувватлашга 2009 йил давомида жами 20,6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди ва бу борадаги кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 68 фоизга ўсди. Бу кредитлар ҳисобига 8093 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

Жумладан, берилган микрокредитлар 65,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2008 йилга нисбатан 26,3 млрд. сўмга ёки 67 фоизга ўсди.

2.1.3-расм

“Агробанк” томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси⁹

млн.сўмда



2009 йилда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида оилавий касаначиликни ривожлантиришга 2 488 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11-августдаги

⁹ Манба: ОАТБ “Агробанк” ҳисобот материаллари-2009йил.

“Осиё тараққиёт банки иштирокида “Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан Осиё тараққиёт банки билан тузилган келишув бўйича банк томонидан 2009 йилда режалаштирилган 2 млн. АҚШ доллари тўлиқ ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган маблағлар ҳисобидан банк томонидан 2 340 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди ва 360 та янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорига асосан иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналар барпо этиш мақсадида 51,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, белгиланган режа 131 фоизга бажарилди. Ушбу кредитлар ҳисобидан 6961 та янги иш ўрни яратилди.

2009 йил давомида кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳисобига яратилган янги иш ўринлари 35 948 тани ташкил этди.

Кредитлар ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 55,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2008 йилга нисбатан 20,3 млрд. сўмга ёки 58 фоизга ошди.

2.2. Тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини имтиёзли микрокредитлаш амалиётининг таҳлили

Ҳозирги ривожланиш жараёнида иқтисодиётни эркинлаштиришда Президентимиз таъбири билан айтганда, “Банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, бу соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш пул маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш талаб этилади”.

Бунда асосан кредит тизими моҳиятини, унинг хусусияти, ривожланишининг методологик жиҳатларини, мамлакатимизда шаклланаётган кредит тизимининг тараққиёти хусусиятлари таҳлилини,

кредит механизмларини бошқариш тамойилларини, усул ва воситаларини, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Германия, Россия каби ривожланган давлатлар кредит тизимини ўрганиш асосида уни республика равнақида қўллашни, кредитларни жамият ривожланишида мавжуд банкларнинг аҳамияти ва ўрни, кредит муассасалари ривожланишини жаҳон андозаларига яқинлаштиришни, кредит портфелининг қулай таркибини қарор топтиришни, кредит тизимини тартибга солишда инвестицион жараёни бошқаришнинг бозор талаб ва тамойилларига асосланишини тушунтириш ҳамда илмий тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки кредит тизимини такомиллаштириш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, бу соҳани ривожлантириш иқтисодиётнинг барча соҳасида ишчан фаолликни оширади, иқтисодий ўсишга ҳамда барқарорликка хизмат қилади.

Тижорат банкларининг микромолиявий хизматлари иккита компонентга бўлинади:

- банкларнинг ўз ресурслари ҳисобидан микрокредитлар бериш;
- бюджетдан ташқари фондлар ва халқаро институтларнинг кредит линияларига хизмат кўрсатиш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда микромолиявий хизматларни таклиф этишни диверсификациялаш давом эттирилмоқда. Бу хизматлар орасида қуйидагилар мавжуддир.

Банк томонидан микрокредитлаш мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб бўлган Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Микрокредитнинг ўртача миқдори 2,5 млн. сўмни ташкил қилади.

Қуйидаги 2.2.1-расм асосида тижорат банклари ва қарз олувчи ўртасидаги муносабатлар қуйидаги жараёнлардан ташкил топади:


Жисмоний шахслар:

- сўралган кредит миқдори кўрсатилган кредит олиш учун ариза;
- кредитнинг ишлатилиш мақсади кўрсатилган бизнес-режа;

- нусхаси кредит хужжатиға тикиб қўйиладиган тадбиркорнинг паспорти.

2.2.1-расм

Тижорат банклари томонидан микрокредитлаш схемаси¹⁰



Юридик шахслар:

- микрокредит олиш учун кредит аризаси;
- пул оқимлари таҳлили кўратилган бизнес-режа;
- маҳаллий солиқ органи томонидан тасдиқланган охириги ҳисобот даврининг бухгалтерия баланси (№1 шакл), дебитор ва кредитор қарзлар бўйича маълумот (№2 шакл) ҳамда 90 кундан ортиқ бўлган мажбуриятлар таққосланган хужжат;
- молиявий натижалар тўрисидаги ҳисобот (№2 шакл);
- таъминот;
- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;
- учунчи шахс кафиллиги;
- қарз оловчи томонидан кредитнинг қопланмай қолиш рискинни суғурталаш бўйича суғурта ташкилотининг суғурта полиси;

¹⁰ www. microfinance.uz- сайти маълумотлари.

- фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органи кафиллиги;
- кредит шартномасининг хулосаси ва кредит бериш;
- кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш;
- кредит шартномаси амал қилган муддатларда банк томонидан қарз олувчининг молиявий-хўжалик фаолиятини ва бизнес ишлари олиб борилаётган жойларни текшириб боришни кўзда тутган кредит мақсадли ишлатилиши усулидан мониторинг олиб бориш. Бу билан бир қаторда мониторинг натижалари ҳақида қарздорга банк ахборот бериб боради.

Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бериш шартлари қуйидагилардан иборат:

Микрокредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин эмас:

- илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни тўлаш;
- тамаки етиштириш ва алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқариш;
- савдо-воситачилик корхоналарининг айланма маблағларини ташкил этиш учун;
- савдо объектлари қурилишини, аҳолига ўйин хизматлари кўрсатишни ва улар учун ускуналар сотиб олишни молиялаш, қимор ўйинларини ташкил этиш учун;
- ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган шахсий мол-мулкни сотиб олиш учун;
- маъмурий харажатларни тўлаш, шу жумладан, хизмат автомобилларини сақлаб туриш учун;
- офис мебелани харид қилиш, уяли телефонлар, пейжерлар сотиб олиш учун ва алоқа хизмати учун тўловни амалга ошириш.

Кредитларнинг муддатлари 1 йилдан (айланма маблағларни тўлдириш учун) 5 йилгача (банкнинг Имтиёзли кредитлаш фондидан молияланадиган инвестиция лойиҳаларига) бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга микрокредитлар бериш тартиби ҳам шундай бўлиб, унинг бирдан-бир фарқи максимал миқдор 5 минг АҚШ долларидан ошмаслигидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш учун бериладиган микрокредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкалари белгиланади: агар маблағлар банк фойдасидан 25%ли ажратмалар ҳисобига ташкил этиладиган Имтиёзли кредитлаш фондидан берилаётган бўлса, фоиз ставкаси амалдаги қайта молиялаш ставкасининг кўпи билан 50%и миқдорида белгиланади. Шу билан бирга банкларга кичик бизнесни кредитлашдан олинган даромадлар ва микрокредит портфелини кўпайтиришга йўналтирадиган маблағлар бўйича солиқ имтиёзлари берилади.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- мини-ускуналар сотиб олиш;
- ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, етилган ва ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омехта емлар, ветеринария препаратлари, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, минерал ўғитлар сотиб олиш;
- хом ашё ва материалларни бирламчи қайта ишлаш;
- меҳнат қуроллари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитуралар сотиб олиш;
- бадий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш;
- ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш;
- сервис хизматларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- соғлиқни сақлашни ривожлантириш;
- туризм индустриясини ривожлантириш;
- кичик ҳажмли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқлаб қўйилмаган хизматлар (ишлар) соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йил давомида ажратилган кредитлар ва микрокредитлар ҳолатини кўриб чиқамиз.

2.2.1-жадвал

Тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йил давомида ажратилган кредитлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ¹¹

млн.сўмда

Т/р	Худудлар номи	Йил бошидан берилган кредитлар	шу жумладан берилган микрокредитлар	шу жумладан		
				ўз маблағи ҳисобидан	Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан	хорижий кредит линиялари ҳисобидан (сўм эквивалентида)
1	Қорақалпоғистон Рес.	8 492	2 892	8 040	452	0
2	Андижон вилояти	18 890	9 851	18 268	341	281
3	Бухоро вилояти	13 531	6 336	12 918	452	160
4	Жиззах вилояти	13 976	7 301	13 846	130	0
5	Қашқадарё вилояти	18 322	9 342	18 051	96	175
6	Навоий вилояти	8 674	4 746	8 296	378	0
7	Наманган вилояти	14 150	10 642	13 706	444	0
8	Самарқанд вилояти	20 586	11 341	18 818	405	1 363
9	Сурхондарё вилояти	22 421	6 511	21 888	534	0
10	Сирдарё вилояти	16 626	4 221	16 107	393	126
11	Тошкент вилояти	15 321	7 470	14 210	177	935
12	Фарғона вилояти	10 981	7 110	10 538	443	0
13	Хоразм вилояти	8 471	2 964	8 117	354	0
14	Тошкент шаҳри	4 120	219	4 095	25	0
Жами:		194 561	90 946	186 897	4 623	3 040

¹¹ Манба: ЎзР Марказий банки маълумотлари-2010 йил.

Амалга оширилган ишлар натижасида биргина ўтган 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми 194,6 млрд.сўмни ташкил этди. Микрокредитлар эса қарийб 91 млрд.сўмни ташкил этиб, унинг барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажмидаги улуши 46,7 фоизни ташкил этмоқда. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг энг катта салмоғи Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Яъни, уларнинг барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлардаги улуши 41 фоизни ташкил этмоқда. Энг кам ажратилган кредитлар миқдори эса асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳри ҳиссаосига тўғри келмоқда. Тошкент шаҳри бўйича барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар салмоғининг энг кам бўлишининг асосий сабаби ушбу ҳудудда деҳқон ва фермер хўжаликлари сонининг камлиги ва ушбу соҳанинг деярли шаҳар ҳудудида фаолият юритиш имконияти мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Шу жумладан, юқоридаги жадвал асосида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар ҳажмининг энг катта салмоғи Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Яъни, уларнинг умумий микрокредитлар ҳажмидаги улуши 45,3 фоизни ташкил этмоқда.

Жадвал маълумотлари асосида яна шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмида бюджетдан ташқари жамғармалар ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитлар энг кам салмоққа эга. Яъни, уларнинг умумий кредитлар ҳажмидаги улуши атиги 4,1 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса ўз навбатида, кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратиладиган

кредитлар ҳажмини янада оширишни жадаллаштириш керакли эканлигидан далолат беради.

Юқоридаги 2.2.1-жадвал маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йил давомида ажратилган кредитлар ва микрокредитлар ҳолатини вилоятлар кесимида кўриб чиққан эдик. Энди ушбу маълумотларни банклар кесимида таҳлил қилиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

2.2.2-жадвал

Тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йил давомида ажратилган кредитлар тўғрисида МАЪЛУМОТ¹²

млн.сўмда

№	Банклар	Йил бошидан берилган кредит- лар	шу жумладан берилган микрокредитлар	шу жумладан		
				ўз маблағи ҳисобидан	Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан	хорижий кредит линиялари ҳисобидан (сўм эквивалентида)
1.	ТИФ Миллий банк	25850	15544	24979	871	0
2.	Саноатқурилишбанк	3638	1804	3635	3	0
3.	Агробанк	56456	28794	53600	2829	27
4.	Халқ банки	26210	17757	25394	816	0
5.	Асакабанк	7057	2695	7015	0	42
6.	Ипотекабанк	5120	765	5031	0	90
7.	Микрокредитбанк	57002	19856	54565	0	2437
8.	Қишлоқ қурилиш банк	1620	241	1449	0	171
9.	Бошқа банклар	11608	3491	11229	105	274
	ЖАМИ	194561	90946	186897	4623	3040

¹² Манба: ЎзР Марказий банки маълумотлари-2010 йил.

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг энг катта салмоғи асосан Агробанк ва Микрокредитбанк ҳиссасига тўғри келмоқда. Яъни, уларнинг барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлардаги улуши 58,3 ва микрокредитлар ҳажмидаги улуши эса 52,8 фоизни ташкил этмоқда. Бунга асосий сабаб Агробанкда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан берилган кредитлар улушининг юқорилиги ва миқдор таркибининг энг катта қисми қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташкил топган бўлса, Микрокредитбанкда эса хорижий кредит линиялари ҳисобидан берилган кредитлар улушининг юқорилиги ва ушбу банкнинг юридик шахс сифатида барча солиқлардан озод этилганлигидир. Энг кам ажратилган кредитлар миқдори эса Саноатқурилишбанк ва Қишлоқ қурилишбанк ҳиссасига тўғри келмоқда. Яъни, уларнинг барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлардаги улуши 2,7 ва микрокредитлар ҳажмидаги улуши эса 2,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу банкларда кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ва микрокредитлар салмоғининг кичик бўлишига асосий сабаб, ушбу банклар узок муддатли кредитлаш билан боғлиқ операцияларни амалга оширишга ихтисослашганлигидан далолат беради.

Қуйидаги 2.2.3-жадвал маълумотлари асосида тармоқлар бўйича тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитларни таҳлил қиладиган бўлсак, энг катта улушга асосан техникалар, машиналар ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун берилган кредитлар ташкил этиб, унинг миқдори 62,6 млрд.сўм бўлиб, унинг умумий кредитлардаги салмоғи 32,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида деҳқон ва фермер хўжаликларининг техникалар, машиналар ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун эҳтиёжи юқори эканлигидан далолат беради. Ундан кейинги ўринда эса чорва моллари, парранда, балиқчиликка ажратилган миқдори юқори

эканлигини кузатишимиз мумкин. Энг салмоққа эса саноат (ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хом-ашёлар олиш учун) тармоғига берилган кредитлар ташкил этиб, атиги 2,3 фоизни ташкил этмоқда.

2.2.3-жадвал

Тармоқлар бўйича тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йил давомида ажратилган кредитлар

тўғрисида

МАЪЛУМОТ¹³

Т/р	Банклар	Саноат (ишлаб чиқариш-ни ривожлан-тиришга хом-ашёлар олиш учун)	Уруғ-лар ва кўчат-лар	Ўғит ва ёқилғи мате-риаллар и учун	Техника-лар, машина-лар ва асбоб-ускуналар сотиб олиш	Чорва мол-лари, парран-да, балиқчилик ва ҳ.к.	Қурилиш (бино ва иншоотла-р қуриш ва сотиб олиш)	Бошқа-лар
1.	млрд. сўм ҳисоби-да	4,5	22,1	12,9	62,6	45	21,7	25,7
2.	фоиз ҳисоби-да (%)	2,3	11,3	6,7	32,2	23,1	11,2	13,2

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида шуни хулоса қилишимиз мумкинки, тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитларнинг тармоқлар бўйича диверсификациясига эътибор берилиши лозимлигини қайд этиб ўтишимиз мумкин.

ОАТ Микрокредитбанк 2010 йилда банк асосий эътиборни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий бизнес ҳамда касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса

¹³ Манба: ЎзР Марказий банки маълумотлари-2010 йил.


Республиканинг чекка ҳудудлари ва қишлоқ жойларида аҳолини микроолиявий хизматлар билан таъминлаш ишларини муваффақиятли ташкил этишга қаратди.

Ҳисобот йили давомида банк кредит портфели ҳажми 2009 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди, яъни 320,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

2.2.1-расм

ОАТ “Микрокредитбанк” кредит қўйилмаси¹⁴

(млрд. сўмда)



Микрокредитбанк асосий мақсадларига эришиш борасида қуйидаги, хусусан:

- тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш ҳамда хом ашё ва материалларни кейинчалик қайта ишлаш учун харид қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни республикамизда ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитиш, шунинг ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ўз айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш;

¹⁴ Манба: ОАТБ “Микрокредитбанк” ҳисобот материаллари-2010 йил.


- тадбиркорлик субъектлари томонидан корхоналарни техник ҳамда технологик жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун замонавий ускуналар ва мини-технологияларни сотиб олиш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологияларни, чорва моллари, уй паррандалари, уруғлик ва кўчатлар сотиб олишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, суғориш, тупроққа ишлов беришнинг замонавий технологияларини жорий этишга микрокредитлар ажратиш ва микролизинг бўйича хизмат кўрсатиш каби долзарб вазифаларни белгилаб олган.

2.2.2-расм

ОАТ “Микрокредитбанк” кредит қўйилмаларнинг тармоқларга йўналтирилиши (01.01.2011 й.)¹⁵

(млрд. сўмда)



Банкнинг актив амалиётларини диверсификациялаш сиёсати натижасида кредит қўйилмалари иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди, хусусан саноатга - 43,4 млрд. сўм, қурилишга 17,4 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига – 138,1 млрд. сўм, савдо ва

¹⁵ Манба: ОАТБ “Микрокредитбанк” ҳисобот материаллари-2010 йил.

умумий овқатланиш соҳаларига – 23,9 млрд. сўм, моддий-техника таъминот ва маиший хизматга – 47,4 млрд. сўм, транспорт ва алоқа хизматига – 3,8 млрд. сўм ва бошқа тармоқларга – 46,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк кредит сиёсатидаги устуворлик корпоратив бозор сегментида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар, кимё саноати корхоналари ҳамда қурилиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилди.

Банк имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан бирга ўз миждозларига жумладан, аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматлари, хусусан қўшимча жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобидан корпоратив ва чакана хизматларни кўрсатиб келади. Кичик бизнес субъектларига 2009 йилга нисбатан 45 фоиз кўп миқдорда маблағлар ажратилиб, унинг умумий суммаси 214,6 млрд. сўмни ташкил этди.

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДЕХҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини кредитлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида эркин иқтисодий муносабатларни самарали жорий қилиш зарурияти ўз навбатида қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хўжалик субъектларини кредитлаш тизимига оид назарий ва амалий масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Кредитдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда дастлаб кредитнинг хўжалик иқтисодиёти ва якуний молиявий ҳолатига таъсирини миқдор ва сифат жиҳатдан аниқлашга эътибор қаратиш лозим. Кредитдан фойдаланиш самарадорлиги ишлаб чиқариш жараёнига комплекс равишда ўз таъсирини кўрсатади. Хусусан, асосий фондларни тиклаш, айланма фондларни жалб қилиш ва тўлдириш, пул айланишини таъминлаш, хўжаликнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга эришиши ва бошқалар. Ушбу ҳолатлар фермер ва деҳқон хўжаликларида кредитдан самарали фойдаланиш туфайли юзага келади ва жалб этилган кредитнинг таъсири доирасида эришилган натижалар сифатида намоён бўлади.

Иқтисодчи олим Хожибоев М.нинг фикрича республикамиз фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлашда, улар фаолиятини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги тадбиркорлик субъектларидан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Унинг “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш” номли тадқиқот ишида фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлаш тизимининг такомиллаштирилиши бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган қуйидаги

иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалаларни ҳал қилиш имконини бериши таъкидлаб ўтилган.

3.1.1-расм

Фермер ва деҳқон хўжаликлари кредитлаш тизимини такомиллаштиришнинг ижобий жиҳатлари¹⁶

Моҳияти ва аҳамияти	Эришиладиган натижа
Иқтисодий жиҳатдан	Қишлоқ хўжалигини барқарор суръатларда ўсишини таъминлайди.
	Саноатни хомашёга ва аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга эришилади.
	Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларида маблағ тақчиллигига барҳам берилади ва улар ўртасида ракобат муҳити юзага келади.
	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмига мувофиқ валюта тушумини кўпайтиришга эришилади.
	Қишлоқ хўжалигини янги самарали, ресурс тежовчи техника ва юқори технологиялар билан таъминлашга эришилади.
	Давлат бюджетининг даромадлар қисмига тушумлар кўпаяди.
	Фермер ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги таъминланади.
Ижтимоий жиҳатдан	Қишлоқ ҳудудларида янги иш жойлари ташкил этилади ва қишлоқ аҳолисини доимий иш билан бандлик даражаси ортади.
	Аҳоли даромадларининг ошиши туфайли, уларнинг ижтимоий хизматлар ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган тўлов қобилияти ортади.
	Аҳолининг турмуш даражаси ортади ва сифати яхшиланади.
	Фермер ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий аҳволи яхшиланиши қишлоқда ижтимоий барқарорликни таъминлайди.
	Фермер ва деҳқон хўжаликларининг нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланади.
	Бозор муносабатлари шароитида кредитлаш тизимининг ҳуқуқий-ташкилий асосларини такомиллаштириш имконини беради.
	Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.
Экологик жиҳатдан	Сув ресурсларини сақлаш ва ифлосланишининг олдини олишга эришилади.
	Экологик жиҳатдан тоза маҳсулот ишлаб чиқарилади.
	Минерал ва кимёвий воситалардан фойдаланиш меъёри камайиши, биологик воситалардан фойдаланиш даражасининг ортиши рағбатлантирилади.

¹⁶ Манба: Хожибоев М.Ш. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2010 йил.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш борасида АҚШ, Германия, Франция, Австрия, Голландия, Бангладеш каби давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси шароитида хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш имконини берадиган қуйидаги асосий жиҳатлар алоҳида ажратиб кўрсатилиши мумкин:

- фермерларга узоқ муддатли ва паст фоизли кредитлар берилиши, тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг бир қисмини давлат бюджети ёки маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланиши;

- фермерларга тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган банк хизматлари сифатини яхшилаш учун банklar ўртасида иқтисодий рақобатнинг фаоллаштирилиши ва қишлоқ хўжалигини кредитловчи махсус молия институтлари фаолиятининг йўлга қўйилиши;

- фермер ва деҳқон хўжаликларининг аксариятида кредит олиш учун гаров миқдорининг етишмаслигини ҳисобга олиб, давлат томонидан махсус фондлар ташкил этиш ва ушбу фондлар фермерларга кредит олишда давлат кафолатини бериш орқали гаров масаласида амалий ёрдам бера олиши;

- давлат фермерлар иштирокида тузилган кредит уюшмаларини қўллаб-қувватлаши, уларнинг кредит ресурсларини кўпайтириш мақсадида бошланғич сармоя билан таъминлаши, солиқлардан озод қилиниши, кредит уюшмалари акцияларини чиқариб сотиш ва шу акцияларни сотиб олувчиларга турли имтиёзлар берилиши;

- кичик ҳажмдаги ер майдонида маҳсулот етиштираётган деҳқон хўжаликларида гаров мулкнинг мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, кафолат берувчи гуруҳлар ташкил этилиши ва ўзаро ишончга асосланган ижтимоий гаров тизимининг қўлланилиши.

Фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2005 йилда республикада 125668 та фермер хўжалиги фаолият

юритган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3287-сонли фармойишига асосан, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер майдонларини мақбуллаштиришнинг иккинчи босқичи амалга оширилиши натижасида 2010 йил бошида фермер хўжаликларининг умумий сони 80628 тани ташкил этди. Фермер хўжаликларига ижарага берилган ер майдони 5828,4 минг гектарни, шундан суғориладиган экин майдонлари ҳажми 3052,9 минг гектарни ташкил этди.

3.1.1-жадвал

Республикада фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари¹⁷

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2009 йилда 2005 й.га нисбатан (марта)
Фермер хўжаликлари							
Фермер хўжаликлари сони	дона	125668	189235	217095	105033	80628	-1,6
Фермер хўжаликларига бириктирилган экин майдони	минг.га	2140,7	2710,6	3001,6	3045,2	3052,9	1,4
Экин майдонларининг умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши	%	58,7	74,7	84,3	84,4	84,6	25,9 п
Фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони	минг киши	954,2	1381,1	1621,4	1710,2	1521, 6	1,6
шундан: ёлланма ишчилар	минг киши	280,8	382,5	456,1	455,7	465,8	1,7
Бир хўжаликда ўртача:							
- банд бўлганлар сони	киши	8	7	7,5	16	15	1,9
- экин майдони	га	30,0	26,2	26,7	29	37,9	1,3
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер хўжаликларининг улуши	%	24,3	32,3	34,7	32,5	34,5	10,2 п
Деҳқон хўжаликлари							
Деҳқон хўжаликлари сони	минг дона	4544,4	4631,7	4673,2	4675,3	4960,8	1,1
Шундан юридик шахс мақомини олганлари	минг дона	42,6	44,9	45,6	45,9	49,7	1,2
Жамига нисбатан улуши,	%	0,9	1,0	1,0	1,0	1,0	0,1п
Деҳқон хўжаликларига бириктирилган ер майдони	минг.га	441,9	454,8	458,0	460,0	472,8	1,1
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида деҳқон хўжаликларининг улуши	%	61,7	61,6	62,7	65,3	63,3	1,6 п

¹⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2005-2009 йй. ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

Бир фермер хўжалигига ўртача 37,9 гектар экин майдони тўғри келиб, фермер хўжаликларида жами банд бўлган ишловчилар сони 2009 йилда 1521,6 минг кишини, шундан ёлланма ишчилар 465,8 минг кишини ташкил этган.

Республикада фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари сони 2005 йилда 4544,4 мингтани ташкил қилган бўлса, 2009 йилга келиб 4675,3 мингтага етган. Уларга ажратилган ер майдонлари эса, шу давр ичида 441,9 минг гектардан 460,0 минг гектарга ортган.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, юридик шахс мақомига эга бўлган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари уларнинг жами сонига нисбатан 1,0 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, деҳқон хўжаликларининг асосий қисмида ўз фаолиятига кредит ресурсларини жалб қилиш имкониятларини чегараламоқда.

Мамлакатимизда фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизими биринчидан, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришга кредитлар ажратиш; иккинчидан, фермер хўжаликларида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини кредитлаш йўналишларида амалга оширилмоқда.

Фермер ва деҳқон хўжаликларига банклар ўз ресурслари ҳисобидан икки турдаги, яъни тижорат ва имтиёзли кредитлар ажратмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналарига банклар томонидан ажратилаётган тижорат кредитлари асосан қисқа муддатли (1-3 йил), устама фоизлари 16 фоиздан 32 фоизгача бўлиб, гаров миқдори кредит суммасининг 120 фоизини ташкил этади. Фаолият юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг аксарият қисми янги ташкил этилган бўлиб, уларда тижорат кредитлари учун 120 фоиз миқдорида гаровга қўйиладиган мол-мулклар мавжуд эмас. Шунингдек, уларнинг рентабеллик даражаси паст (10-15 фоиз) бўлиб, белгиланган фоизларини қоплаган ҳолда кредитни ўз вақтида қайтариш имкони йўқ. Бу ҳолат бир томондан, фермер ва деҳқон хўжаликларини банкларнинг тижорат кредитларига бўлган талабини камайтирса, иккинчи томондан, ушбу

кредитлардан фойдаланган хўжаликларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмоқда.

Фермер хўжаликларида кредитнинг гаров таъминотидаги муаммоларини ҳал қилиш мақсадида Марказий банк томонидан «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби» ишлаб чиқилиб, 2004 йилдан амалиётга жорий қилинди. Ушбу тартибда ҳам кредитни расмийлаштириш жараёнининг мураккаблиги, яъни фермерларнинг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга маҳаллий ҳокимият ва идораларнинг розилик билдириши, ижара ҳуқуқининг қийматини аниқлаш механизмининг мукамал эмаслиги, тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш жараёнида фермернинг ишларига аралашуш каби муаммолар мавжуд. Шунингдек, фермерга ер майдонининг 50 йилга ижарага берилган бўлишига қарамадан ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда фаолият мақсадига қараб 1-5 йилга кредит берилади. Фермернинг ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда асосий воситаларни тиклаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун узоқ муддатли кредит бериш кўзда тутилмаган.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳисоб рақамларида эркин пул маблағлари мавжуд эмаслиги ёки етишмаслиги улар фаолиятига хорижий кредит линияларини жалб қилиш имконини бермаяпти. Чунки, халқаро кредит линияларини жалб қилиш бўйича қўйилган талабларга асосан, фермер ва деҳқон хўжаликларида лойиҳа ҳажмининг 25 фоизига тенг хусусий капитали мавжуд бўлсагина улар фаолиятига хорижий кредитлар жалб қилиниши мумкин. Бунинг натижасида фермер хўжаликлари фаолиятини фақатгина давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштиришга ажратилаётган имтиёзли кредитларга боғлиқ қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарорига асосан

давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва ғалла етиштираётган фермер хўжаликларига ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш учун тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш тизими республика вилоятлари бўйича 2003-2005 йилларда босқичма-босқич жорий этилди. Бу фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлашнинг бозор тамойилларига мос келадиган усулларига ўтишда муҳим қадам бўлди.

Фермер хўжаликларида давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштиришни кредитлашда айрим камчиликлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- жорий йилги харажатларни қоплаш учун ажратиладиган кредитлар муддати ва ҳажми харажатлар турлари бўйича ва технологик карталарга асосан тақсимланиб, маҳсулот етиштириш учун зарур ресурсларни сотиб олиш ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ҳамда агротехник тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш имконини бермаяпти;

- тақсимот жараёнида кредитга бўлган талабнинг ўтган йилги харид баҳолари асосида аниқланиши, харажатлар эса жорий йилги баҳоларда амалга оширилиши натижасида, харажатлар ва ажратилган кредит орасида катта фарқ юзага келиб, олинган кредит харажатларнинг фақатгина 45-50 фоизини қопламоқда, холос;

- давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган маҳсулот (пахта, ғалла) учун кредит ажратиш ва харид баҳоларини белгилашда, моддий-техник ресурслар ва хизматлар баҳосининг ўсиш суръатлари етарли даражада тўлиқ ҳисобга олинмаяпти;

- давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган пахта ва ғалла учун тўловларнинг ўз муддатида амалга оширилмаслиги оқибатида фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати ёмонлашиб бормоқда. Масалан, харид қилиб олинган маҳсулот учун давлатнинг фермер хўжаликларига тўловлари қопланиши буғдой бўйича 4-5 ой, пахта бўйича эса 8-10 ойдан кейин амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида, фермер хўжаликлари сотиб олинган

ресурс ва хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошира олмаяптилар ва инфляция юки уларнинг молиявий ҳолатига таъсир этмоқда.

Юқоридаги муаммолар амалдаги давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан ўзгартириш зарурлигини кўрсатмоқда. Амалдаги тартибларга кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича икки томонлама шартнома тузилиши билан бир вақтда маҳсулот етиштириш харажатлари учинчи томондан молиялаштирилмоқда. Бундан ташқари, давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган маҳсулотлардан олинган даромад харажатларни қопламаётган бир шароитда олинган маблағ йиллик уч фоизлик устамаси билан қайтарилмоқда. Имтиёзли кредитни қайтариш бир йилга етмай амалга оширилаётганлиги туфайли, олинган кредит учун тўланадиган фоизлар ҳақиқатда 2-2,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳам фермерларнинг молиявий аҳволига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Ажратилаётган имтиёзли кредитлар миқдори ҳақиқий харажатларнинг ўртача 45-50 фоизини қопламоқда. Шу сабабли, фикримизча, маҳсулот етиштириш учун ажратиладиган имтиёзли кредит (кейинчалик бўнак) миқдорини шартнома бўйича етказиб берилиши режалаштирилаётган маҳсулот қийматининг 80 фоизи миқдорида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан биргаликда, зарурий ҳолларда бирор бир ресурс ёки хизматни олишга маблағ етишмаслигини бартараф қилиш мақсадида ажратилган бўнакни бир йўла ёки икки қисмга бўлган ҳолда фермер хўжалигининг эркин ҳисоб рақамига ўтказиб бериш йўли билан фермер хўжалиги учун қачон зарур бўлганда фойдалана оладиган шароитни яратиш лозим. Умуман олганда, фермер маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида зарурий моддий-техника ресурси ёки хизмат учун ўз вақтида пул тўлаш имкониятига эга бўлиши лозим. Бунда кредит ёки бўнак қайси маҳсулот учун олинган бўлса, ана шу маҳсулотни етиштириш доирасида сарфланишини шартнома тузган корхоналар томонидан назорат қилишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодчи олим Хожибоев М.нинг илмий иши билан танишиш жараёнида, у томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарида кредит ресурсларидан фойдаланишдаги муаммоларни ўрганиш бўйича ўтказилган анкета сўровлари натижалари шуни кўрсатдики, фермер хўжаликлари ва бошқа кичик бизнес субъектларини кредитлар билан таъминлаш мақсадида зарур ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигига қарамасдан, фермер хўжаликлари кредит ресурслари, шу жумладан, имтиёзли кредитлар билан етарли даражада таъминланмаяпти.

Сўров ўтказилган фермер хўжаликларида жамғармалар ва банкларнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланаётган фермерлар салмоғи 19,8 фоизни ташкил этади. Таҳлилларимиз кўрсатишича, ҳозирги кунда фермерларни имтиёзли кредитлар билан таъминлашда тижорат банкларининг имтиёзли кредит фонди салмоқли ўрин (42,8%) тутмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларига ажратилаётган кредитларнинг аксарият қисми 1-3 млн. сўмни, муддати 1-3 йилни ташкил этмоқда. Бу фермерга трактор ёки бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олиш имкониятини бермайди. Фермерларнинг тижорат банклари ва бошқа жамғармалардан кредит олиш тизими бир томондан нисбатан мураккаблаштирилиб юборилган бўлса, иккинчи томондан, кредит ресурсларининг ўзи ҳам етарли эмас. Бундан ташқари, фермерларга кредит берувчи нодавлат ташкилот ларининг умумий берилган кредитлардаги салмоғи жуда кам.

Республикаимиз ҳукумати томонидан молиявий маблағларга муҳтож деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан, чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон хўжаликларига тижорат банклари ресурслари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кредит маблағлари ажратилмоқда.

Деҳқон хўжаликлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, тижорат банкларидан кредит олишда қатор муаммолар мавжуд.

3.1.2-жадвал

Деҳқон хўжаликларини кредит олишдаги ва банк тизимидаги муаммолари¹⁸

Мавжуд муаммо	Жами ўтказилган сўровномада олинган жавоб, %
Юридик шахс мақомига ва банкда ҳисоб рақамига эга эмаслиги	85
Гаровга қўйиладиган мол-мулкнинг ва учинчи шахс кафиллигининг йўқлиги	69
Кредит олиш учун зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича билимларнинг етарли эмаслиги	73
Кредитларга бўлган талабни банклар томонидан тўлиқ ҳисобга олинмаслиги	90
Кредитлар нақд пулда берилмаслиги	75

Деҳқон хўжаликларининг кредитга эҳтиёжи юқори, лекин, уларни тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги, банкдан ташқари молиявий институтларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли, кредит ресурсларидан

¹⁸ Манба: Хожибоев М.Ш. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Тошкент, 2010 йил.

фойдаланаётган деҳқон хўжаликлари сони унчалик кўп эмас. Деҳқон хўжаликларини молиявий ресурслар билан таъминлаш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб, ушбу муаммони ҳал этмасдан аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш, қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш мумкин эмас.

Банклар учун эса, деҳқон хўжаликлари ноқулай миқдорда қолмоқда. Ушбу ҳолатни қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин, жумладан: банк учун таваккалчилик омилнинг юқорилиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг паст рентабеллилиги, етарли даражадаги гаров таъминотининг йўқлиги, ҳисоб рақамининг мавжуд эмаслиги, деҳқон хўжаликлари томонидан аксарият ҳолларда кам миқдорда кредит олиниши, кредитни расмийлаштириш жараёнининг мураккаблиги ва бошқалар.

Мамлакатда фермер ва деҳқон хўжаликларини етарли миқдорда, қулай шароитларда кредит ресурслари билан таъминлашда банкдан ташқари, яъни кредит уюшмалари орқали кредитлаш тизимини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, аввало, улар иштирокида алоҳида банкдан ташқари кредитлаш муассасалари – кредит уюшмалари ташкил қилишга асосий эътибор қаратиш лозим. Фермер ва деҳқон хўжаликлари иштирокидаги кредит уюшмалари фаолиятини четдан қўллаб-қувватламасдан туриб йўлга қўйиш ва ривожлантириш қийин кечади. Бизнинг фикримизча, бундай уюшмаларда аввало давлат томонидан ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий жиҳатдан бевосита қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш лозим.

Бевосита қўллаб-қувватлашга фермер ва деҳқон хўжаликлари иштирокида ташкил қилинадиган кредит уюшмаларига тўғридан-тўғри мақсадли маблағ ажратишни киритиш мумкин. Бунда давлат томонидан бир неча вариантда маблағ ажратилиши мумкин. Биринчи вариантда давлат томонидан фермер ва деҳқон хўжаликлари иштирокидаги кредит уюшмаларига қайтариб олмаслик шарти билан мақсадли маблағ ажратади ва кредит уюшмалари ушбу маблағларни ўз миқдорларини кредитлашга йўналтиради.

Иккинчи вариантда кредит уюшмалари ресурсларини шакллантиришга давлат томонидан маълум бир муддатдан кейин қайтариб олиш шarti Билан маблағ ажратилади. Бу муддат камида 10 йил ва ундан кўпроқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу муддат ичида кредит уюшмаси томонидан ўз кредит ресурси шакллантириб борилади ва кейинчалик ўз маблағи ҳисобидан кредит бериш имкониятига эга бўлади.

Кредит уюшмалари томонидан фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлашдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда, Хожибоев М.нинг фикрича, қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- кредит уюшмаларини қишлоқ жойларда ташкил этишни кенгайтириш лозим. Бу, бир томондан, улар фаолиятини фермер ва деҳқон хўжаликларига яқинлаштириш имконини берса, иккинчи томондан, қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳалардаги тадбиркорлик субъектларини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради;

- қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлашда кредит уюшмалари ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича курслар ташкил этиш;

- кредит уюшмаларига хорижий ҳамкорлар билан ишлашга ва хорижий валютада операцияларини амалга оширишга имкон бериш. Бу биринчидан, хорижий сармояларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилиш, иккинчидан, донор ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш ҳисобига берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайтириш имкониятини яратади ва, учинчидан, кредит уюшмаларида актив шаклидаги ресурслар тақчиллигининг олдини олади.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредитлашда асосий муаммолардан яна бири – олинадиган кредитни гаров билан таъминлаш масаласидир. Фермер хўжаликларининг кредит олишлари учун гаров тақчиллиги юзага келган шароитга мос келадиган молиявий тадбирларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Омборхона тилхати ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ўзининг афзаллигини кўрсатган ана шундай молиявий

тадбирлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда мазкур усул ортиқча маҳсулотга эга бўлган ва уни кейинчалик сотиш учун ўз уйида сақлайдиган фермерлар учун муҳим аҳамият касб этади. Омборхона тилхати усули давлат эҳтиёжидан ортиқча маҳсулотни эркин тасарруф қилиш имконияти бўлган ғаллачилик тармоғида қўлланилиши мумкин. Бу, фермерларга қўшимча айланма маблағга эга бўлиш, бир вақтнинг ўзида маҳсулотни йиғиштириб олиш мавсумидаги паст нархларда сотиш ўрнига маълум бир муддат ўтгандан кейин нисбатан юқори нархларга сотиш имконини беради.

Дехқон хўжаликларида айланма маблағларни тўлдириш мақсадида кредит олиш учун гаровнинг етишмаслиги ҳам тез орада ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан ҳисобланади. Бунда бир қатор шарқий Осиё давлатлари тажрибасига асосланган ҳолда ижтимоий гаров усули, яъни деҳқон хўжаликларининг ўзаро бирлашган гуруҳларига жамоа жавобгарлиги асосида қисқа муддатли (1 йилгача) кредит бериш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўзаро бир-бирига ишонган кишилар гуруҳига кредит берилади ва кредит учун гаров талаб қилинмайди.

3.2. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури” ижросини таъминлашда тижорат банкларининг ролини ошириш масалалари

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан банк фаолиятининг субъектлари “Банклар - тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!” шиори остида фаолият кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан банк тизимида Марказий банк етакчилигида тадбиркорлик субъектларига юқори даражада қулай бизнес муҳит яратиш, хусусий мулк устиворлигини мустаҳкамлаш ва уни ишончли кафолатлар билан таъминлаш, тадбиркорликнинг эркин ривожланишига йўналтирилган

қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни янада рағбатлаштириш, уларга кенгрок имконият ва қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат берувчи тартиб-таомиллар тўғрисида” қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш, “Микромолиялаш тўғрисида”, “Кредит уюшмалари тўғрисида”, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда иштирокини кенгайтиришга оид қонуности ҳужжатларини тайёрлашда иштирок этмоқда.

Шу билан бирга, соҳа вакилларини ахборот билан таъминлаш ва маслаҳат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича ўтказилаётган тадбирларга ташкилотчи сифатида иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувга чек қўйишни қатъий таъкидлаган эдилар.

Ушбу кўрсатманинг амалдаги тасдиғи мамлакатимиз Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва улар

фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 4 апрелдаги Фармони бўлди. Мазкур ҳужжат давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлашга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, банк тизимида “Банк сири тўғрисида”ги Қонун талабларига қатъий риоя этиш, жумладан хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари айланмаси ва пул маблағлари қолдиғи тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсларга ноқонуний берилишини олдини олиш, ушбу маълумотлар қонунчиликка зид равишда тақдим этилганда банкнинг раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жазо чоралари қўлланилиши тўғрисида яна бир бор қаттиқ огоҳлантирилди.

Банклар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини кўпайтириш мақсадида соҳага кредит ажратиш механизмининг такомиллаштириш ва ҳажмининг кенгайтириш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда. Жорий йилда банклар томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмининг камида 1,3 баробарга кўпайтириш ёки қарийб 3,6 трлн. сўм, нобанк кредит ташкилотлари томонидан 307 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратиш чоралари кўрилиб борилмоқда.

Бунда, авваламбор оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитални шакллантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитлар ажратишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг раванг топиши учун тижорат банклари ўз кредит ресурсларини бу йил:

- инвестицион мақсадлар – корхоналарни модернизациялаш ва технологик янгилаш, замонавий юқори технология асосида инновацион ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда бошланғич капитал ва айланма маблағларни тўлдириш учун 1,3 баробар;

- тадбиркорлик тузилмалари, фермер хўжаликларига минитехнология ва ихчам асбоб-ускуналар харид қилиши ва кўрсатиладиган лизинг хизматлари учун 1,5 баробар;

- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларига хомашё ва материаллар сотиб олиш, факторинг хизматлари кўрсатиш учун 1,2 баробар;

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда соҳа вакиллариغا кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажмини 1,6 баробар;

- “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, энг аввало хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажмини 1,3 баробар;

- “Микрокредитбанк” ва бошқа тижорат банклари шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига йирик шохли қорамол сотиб олиш учун кредит маблағлари ажратишни режалаштирган.

Нобанк кредит ташкилотлари эса соҳа субъектларининг ўз бизнесини бошлашлари ва айланма маблағларини тўлдириши учун ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини 1,2 баробар оширишни мўлжалламоқда.

Шунингдек, банklar томонидан имтиёзли кредитлаш ҳажми ҳам кўпайтирилади. Мазкур йилда:

- касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг олган замонавий билим ва малакаларини амалиётга қўллаш, уларни иқтисодиётнинг ушбу соҳасига жалб этишни кенгайтириш учун уларнинг тадбиркорлик лойиҳаларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажмини 2,5 баробарга;

- устувор равишда узоқ ва бориш қийин бўлган туманлар, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган имтиёзли кредитлар ҳажмини 1,3 баробарга ошириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг имтиёзли маблағлари асосан қишлоқ туманларида оилавий бизнес, касаначилик ва хунармандликни ривожлантиришга йўналтирилади.

Кези келганда айтиш ўринлики, белгиланган режаларнинг бажарилиши, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришдаги фаоллигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги қарори муҳим рағбатлантирувчи омил бўлди. Ҳужжатда тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитларидан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.

Мазкур қарорга асосан Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2011 йил 19 мартдаги қарори қабул қилинди. Унда тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш учун ажратилиши белгиланди.

Жорий йилда тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан 24 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит ажратишда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди.

Марказий банк томонидан банк кредитларидан оқилона фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратиш чоралари кўриб бориляпти. 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди. Бу эса, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди.

Давлат дастурига мувофиқ, меҳнат ва ижара шартномалари бўйича корхоналарнинг касаначилар билан кооперациясини, хунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобига 216 мингдан, шу жумладан қишлоқ жойларида камида 105 мингта янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда. Ушбу мақсадлар учун тижорат банклари томонидан имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Ҳозирги пайтда тижорат банкларининг барча филиалларида “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилиб, у ерда малакали мутахассислар томонидан тадбиркорларга бизнесни йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш юзасидан зарур маслаҳатлар бериб борилмоқда. Кредитлардан оқилона фойдаланиш бўйича жойларда соҳа вакиллари иштирокида туркум семинарлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали республикамізда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар,

имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилиши йўлга қўйилди. Банкларнинг мунтазам янгиланиб борадиган веб-сайтлари орқали ахборот хизмати кўрсатиш тизими кенгайтирилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини фаол жалб этиш ҳамда уларни ўзлаштириш ҳажмини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инвестицион лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни конкурс асосида молиялаштиришга ихтисослаштирилган Жамғарма ташкил этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, мамлакатимиз Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори талабларига биноан республикамізда нобанк кредит ташкилотлари тармоғи ва фаолияти янада кенгайтирилади, улар томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажми шунга мос равишда оширилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар** олинди:

1. Фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимининг таркибий тузилмаси таҳлил қилиниб, мазкур тизим ўз таркибига кредит институтлари (кредит ресурслари билан таъминловчи муассасалар), кредитдан фойдаланувчилар ва кредитлаш механизмини қамраб олади.

2. Республикада амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда: биринчидан, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришга кредитлар ажратиш; иккинчидан, фермер хўжаликларида давлат эҳтиёжлари бўйича етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини кредитлаш. Фермер ва деҳқон хўжаликларини кредит ресурслари билан таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари шаклланган бўлиб, уларни бозор муносабатлари ривожлана борган сари такомиллаштириб бориш талаб этилади.

3. Бугунги кунда фермер хўжаликларига ажратилаётган микрокредитларнинг аксарият қисми 1-3 млн. сўмни, муддати 1-3 йилни ташкил этмоқда. Бу, фермерга асосий воситаларни сотиб олиш имкониятини бермайди. Фермерларни тижорат банклари, «Фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ва бошқа жамғармалардан кредит олиш тизими мураккаб бўлиб, уларда кредит ресурслари етарли эмаслиги сабабли, фермерларга кредит берувчи нодавлат ташкилотларининг умумий берилган кредитлардаги салмоғи жуда кам.

Тадқиқот жараёнида фермер ва деҳқон хўжаликларини имтиёзли кредитлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Фермер ва деҳқон хўжаликлари иштирокидаги кредит уюшмалари фаолиятини давлат томонидан ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий жиҳатдан бевосита қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш лозим. Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кредит уюшмалари томонидан кредитлашда,

бизнингча, уларни қишлоқ жойларда ташкил этишни кенгайтириш лозим. Бу, бир томондан, улар фаолиятини фермер ва деҳқон хўжаликларига яқинлаштириш имконини берса, иккинчи томондан, қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳалардаги тадбиркорлик субъектларини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради.

2. Давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етиштиришга ажратиладиган имтиёзли кредит миқдорини шартнома бўйича етказиб берилиши режалаштирилаётган маҳсулот қийматининг 80 фоизи миқдорида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан биргаликда, зарурий ҳолларда бирор бир ресурс ёки хизматни олишга маблағ етишмаслигини бартараф қилиш мақсадида кредитни бир йўла ёки икки қисмга бўлган ҳолда фермер хўжалигининг эркин ҳисоб рақамига ўтказиб бериш йўли билан фермер хўжалиги учун қачон зарур бўлганда фойдалана оладиган шароитни яратиш лозим.

3. Давлат эҳтиёжларидан ташқари маҳсулотлар етиштиришни молиялаштиришни икки хил усулда амалга ошириш мумкин. Биринчиси, етиштириладиган ҳосилни гаровга олган ҳолда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит беришни жорий қилиш, иккинчиси эса, маҳсулот сотиб олиш бўйича шартнома тузган тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналари томонидан бўнак бериш. Тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари фермер хўжалиги билан маҳсулот етказиб бериш бўйича тузган шартномаси қийматининг 70-75 фоизи миқдорида бўнак бериш усули фермерлар учун нисбатан қулай ҳисобланади. Бунда олинган маблағ учун фоиз тўланмайди, ортиқча ҳужжатлар тайёрлашга эҳтиёж қолмайди.

4. Ҳозирги кунда айрим жойларда қайта ишлаш корхоналари томонидан фермерларга кўчат, минерал ўғит ва бошқа ресурсларни бўнак ҳисобида бериш амалиёти қўлланилмоқда. Лекин, бозор шароитида бундай усулдан воз кечиш, бўнак фақат маблағ кўринишида фермер хўжалигининг эркин ҳисоб рақамига тўлалигича ўтказиб бериш, ушбу маблағдан фақат

етиштирилаётган маҳсулот учун фойдаланиш устидан назоратни шартнома тузган корхоналар орқали амалга ошириш тартибини жорий қилиш лозим.

5. Фермер хўжаликларининг кредит олишлари учун гаров тақчиллиги юзага келган шароитга мос келадиган молиявий тадбирларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Омборхона тилхати ўтиш иқтисодиётини бошдан кечирган бир қатор мамлакатларда ўзининг афзаллигини кўрсатган ана шундай молиявий тадбирлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда мазкур усул ортиқча маҳсулотга эга бўлган ва уни кейинчалик сотиш учун ўз уйида сақлайдиган фермерлар учун алоҳида аҳамият касб этади. Омборхона тилхати усули давлат эҳтиёжидан ортиқча маҳсулотни эркин тасарруф қилиш имконияти бўлган ғаллачилик тармоғида қўлланилиши мумкин. Бу, фермерларга қўшимча айланма маблағга эга бўлиш, бир вақтнинг ўзида маҳсулотни йиғиштириб олиш мавсумидаги паст нархларда сотиш ўрнига маълум бир муддат ўтгандан кейин нисбатан юқори нархларга сотиш имконини беради.

6. Гаров масаласини ижобий ҳал қилишнинг яна бир йўли – кафолат жамғармасини ташкил қилишдир. Мазкур жамғарма банк томонидан фермерга берилган кредитни у қайтара олмаган тақдирда қайтариш, ўз навбатида, банклар маблағларини ҳимоя қилиш кафолатини беради. Кафолат жамғармаси банкларни келгусида молиявий муваффақиятга эришадиган, лекин, айти пайтда, гаров учун мулки бўлмаган миждозларни кредитлашни рағбатлантиради. Кафолат жамғармаси кредитни қайтариш хавфи кучли бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғини кредитлашни рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Дунёнинг кўпгина давлатларида кафолат жамғармаси ва шунга ўхшаш кафолат тизимлари яратилган бўлиб, уларнинг аксарияти муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Қулай иқтисодий шарт-шароит яратиш, капитал манбалари, фондни бошқариш, манфаатдор томонларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа омиллар кафолат жамғармасининг муваффақиятли ишлашини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. – Тошкент: Адолат, 1996. – 557 б.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 7-29.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 30-47.

1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни // 2006 йил 15 сентябрь.

1.1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 50-71.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари:

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сон «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. – 2005. – 18 апрель.

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 113.

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // 2005 йил 20 июнь.

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони // 2006 йил 5 май.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори.

1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1447-сонли Қарори.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар:

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги 232-сон «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 75-сон «Фермерлар, хусусий тадбиркорларни, шунингдек, кичик бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

1.3.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 августдаги 309-сон «Ўзбекистон Республикасида микромолиялашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

1.3.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 февралдаги 37-сон «Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.

1.3.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 557-сон «Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида»ги Низоми // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2-чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 187-192.

1.3.7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 14 апрелда 1675-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2007 йил 13 мартда 288-В-сон билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом (янги тахрирда).

1.3.8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан 2005 йил 31 декабрда 273-В-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005

йил 31 декабрда 111-сон билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

2.1. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2011-Б.58.

2.2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 85 б.

2.2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М.Муллажонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

2.3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

2.4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

3. Китоб ва туркум нашрлар

3.1.1. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA », 2007.–347 б.

3.1.2. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.

3.1.3. Муллажонов Ф.М. и др. Банковская система Узбекистана в годы независимости. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 187 с.

3.1.4. Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 296 б.

3.1.5. Патрик М. Доверие как результат открытости: Использование самоконтроля защиты потребителя в микрофинансировании. – США.: Сору General. 2003.- 30 с.

3.1.6. Сайфуллаев А. Кредит уюшмалари: халқаро тажриба ва Ўзбекистонда ташкил этиш масалалари. – Тошкент: Академия. 2005. – Б. 52.

3.1.7. Миразев Ф.И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Монография. Тошкент: Молия, 2008. - Б. 320.

3.1.8. Юнус Мухаммад, Жоли Алан. Создавая мир без бедности. Социальный бизнес в будущее капитализма. – М.: Альпина Паблишер, 2009. – 307 с.

3.1.9. Қоралиев Т., Ғ.Яхшибоев. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми. – Тошкент: Академия, 2006. -116 б.

3.1.10. Малое предпринимательство в Российской Федерации: прошлое, настоящее и будущее/ Под.ред. Е.Г.Ясина, А.Ю. Чепуренко, В.В. Боева. М.: Фонд «Либеральная миссия», 2003.- 560 с.

3.1.11. Малый бизнес: экономика, организация, финансы/ Под.ред. А.И.Муравьев, А.М.Игнатьев, А.Б.Крутик. Санкт-Петербург.: «Бизнес-пресс», 1999.- 607 с.

3.1.12. Сравнительный обзор нормативно-правовой базы и практики микрокредитования за рубежом/ Под.ред. Е.Н.Васильева, М.Р.Овчян, В.В.Ломовцева. Серия: «Библиотека микрофинансирования» Выпуск №1. Смоленск.: 2001.- 48 с.

3.1.13. Қудратов Ғ., Хасанова Р, Махмудов Б., Хаджаев Х. Аграр секторда кичик бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти. Ўқув қўлланма. – иқтисод-молия, 2008. – Б. 74.

3.1.14. Маматов Б., Носиров Э., Хўжамқулов Д., Шарифхўжаева К. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш» Тошкент - 2007. 152 бет.

3.1.15. Рашидов О. Ю. ва бошқалар. «Пул, кредит ва банклар». Ўқув қўлланма. ТДИУ. «MAX-PRINT» МЧЖ 2008 й. 432 бет.

3.1.16. Ходжаев Р., Эгамбердиев А., Шоюсупова Ф. «Кичик бизнесни бошқариш» I қисм Тошкент. «ИҚТИСОД - МОЛИЯ» 2007. 180 бет.

3.1.17. Ходжаев Р., Эгамбердиев А. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Ўқув қўлланма Тошкент – “IQTISOD-MOLIYA” . 2008. 108 бет.

3.1.18. Эгамбердиев Э., Хужакулов Х., “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Тошкент – “Маънавият” – 2003. 165 бет.

4. Журнал ва газеталардаги мақолаларга хаволалар

4.1. Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни. “Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Молия, 2009. – Б. 15-23.

4.2. Холмирзаев И.А., Хожибоев М.Ш. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит тизимини эркинлаштириш // Аграр иқтисодиёт. Илмий-амалий муаммолар бюллетени. – Тошкент, 2006. - № 2/3. – Б. 19-21.

4.3. Хожибоев М.Ш. Банк кредити // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2006. - №8. – Б. 6.

4.4. Хожибоев М.Ш. Фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш механизмини такомиллаштириш // Аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2007. - Б. 21-23.

4.5. Хожибоев М.Ш. Қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва бунда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2008. - №4. – Б. 88-91.

4.6. Хожибоев М.Ш. Фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлашда гаров муаммоси ва уни ҳал этиш йўллари // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации

национальной экономики. Сборник научных трудов. – Москва, 2008. - С. 171-172.

4.7. Хожибоев М.Ш. Фермер хўжаликларида давлат буюртмасидан ташқари маҳсулотлар етиштиришни молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари // Иқтисодиётнинг таркибий қисмлар ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни таъминлашнинг назарий асослари мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2008. - Б. 98-100.

4.8. Холмирзаев И.А., Хожибоев М.Ш. Кредит уюшмалари томонидан фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлашдаги муаммолар // Аграр иқтисодиёт тармоқларида кооперация жараёнини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2009. - Б. 96-98.

4.9. Хожибоев М.Ш. Фермер хўжаликларини микрокредитлаш тизимини такомиллаштириш // Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2009. Б. 345-347.

5. Статистика ва ҳисобот материаллари

6.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2005-2010 йиллардаги.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2010 йил маълумотлари.

6.3. Ўзбекистон Республикаси ОАТ “Агробанк”ининг 2006-2009 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

6. Интернет сайтлари:

www.bir.uz

www.cbu.uz

www.finance.uz

www.bma.uz